

Йигитликда
йиғ илмнинг
махзани,
қарилек чоғи
харж қилғил
ани.

Алишер НАВОЙ



ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 6-fevral, shanba № 10 (8243) ISSN 2010-6416

9-fevral – Alisher Navoiy tavallud topgan kun

НАВОЙ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ

Алишер Навоининг таваллуд куни билан бөглиқ тадбирлар ҳам маънавият, ҳам маърифат сабогидир. Кенг жамоатчилик Навоий уммонига қайта-қайта мурожаат қиласди, нодир дуру гавҳарларни излайди ва ҳар сафар янги-янги маънолар топади. Навоийхонларимиз Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Баркамол авлод йилига ўйғун фикр-юя, ҳикмат, ҳикояту ривоятларни улуғ бобокалонимизнинг олтин меросидан излаб, ўрганишилар. Шу тариқа буюк мутафаккир асрлар оша авлодлари даъвати ва сўровига жавоб бераверади.

Комил инсон тарбияси Алишер Навоий ижодининг марказий масалаларидан бўлиб, асарларининг ғоявий-бадиий моҳиятини ташкил этади. На-

войининг нутқи ва нидолари, тақлифу тавсиялари, тарғиби ташвиқлари, маслаҳату насиҳатлари, васиятлари қаратилган шахс – бу, албатта, бар-

камоллиги орзу этилган нақирон авлоддир.

Баркамоллик нима ўзи? Нима учун юртимизда Президентимиз юритаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсат “Оила йили”, “Оналар ва болалар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Ёшлар йили”, “Баркамол авлод йили” янглиг силсилавий бардавомлик касб этмоқда? Бунинг замирида миллат, давлат ва мамлакат келаҗagini буюк ва баркамол кўришдек улугвор, некбин ҳикмат, ният мужассам. Ўзидан кейинги авлодни маънавий-жисмоний жиҳатдан баркамолроқ, ақл-заковати янада етук, баҳти ва саодатлироқ кўриш ҳар бир наслнинг ор-

зуси бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистонда йилдан-йилга баркамол авлод foysi, таълим-тарбияси, таъминоти изчили тақомиллашмоқда. Бу борада ҳалқимиз ўтган йилларда улкан ютуқларга эришиди. Бироқ биз ёш авлоднинг бундан-да баркамоллигига интилмоқдамиз. Зотан, бир қарашда, баркамоллик чексиз тушунчадир. Шу пайтгача муайян комилликка эришган ҳеч бир зот шу билан қаноатланиб қолган эмас. Баркамоллик – камолот, комиллик, таъбир жоиз бўлса, маънавий-жисмоний бутунлик, тугалликдир.

(Давоми 3-бетда.)



ҚИЗИҚАРЛИ МАШФУЛОТ ОРҚАЛИ ўкувчи қалбига йўл топилади

Бугунги кун ўқитувчиси тинмай изланишда бўлиши даркор. Чунки ўқитишнинг анъанавий усулларидан фойдаланиб, ҳар доим ҳам ўқувчи дикъатини жалб этиш қийин.

Пойтахтимиздаги 243-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нилуфар Комилова ҳам ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда замонавий пе-

дагогик технологиялар, турлича ёндашувлар орқали ёш авлодга сабоқ берабер келмоқда. Халқ таълими муассасаларида февраль – математика ва информатика фанлари ойлиги муносабати билан ўқувчиларда ушбу фанларга меҳр уйғотиш, уларни янада фоллика чақиришга кўпроқ ургу берилмоқда.

Ўн тўрт йиллик тажрибаси орқали болалар қалбига йўл топа олган муаллима бу борада ўзининг маҳорати, ноанъанавий машғулотлари билан аниқ фанларнинг нечоғлик қизиқарли эканлигини ўқувчилар онгига сингдириб келмоқда.

Суратда: ўқитувчи Нилуфар Комилова математика фанидан навбатдаги машғулотни олиб бормоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

СИРТКИ
ОЛИМПИАДА:
ИККИНЧИ
БОСҚИЧ
БОШЛАНДИ

3-бет

МАКТАБ
БЮДЖЕТИ:
УНИНГ
МУСТАҲКАМ-
ЛАНИШИ ТАЪЛИМ
САМАРАДОРЛИГИ
ОШИШИ ОМИЛИ
ХАМДИР

5-бет

БОЛАДАГИ
ИЛК
ТАШАББУС

УЛКАН
БУНЁДКОРЛИК-
ЛАРГА ҚОДИР

7-бет

МАЬНО-
ЛАР
ХАЗИ-
НАСИ

8-9-бетлар

ТАНСИХАТ-
ЛИКНИНГ
БЕКИЁС
МАЛҲАМИ

11-бет


ДУНЁНИ ҚУЧГАЙ ОВОЗИМ...

Ха, бугун ўзбекистонлик истеъдодли ёшлар дунё саҳнида олқишиланмоқда, уларнинг залворли одимлари алоҳида эътироф этилмоқда. Яқиндагина Мисрда бўлиб ўтган «Қизил дengiz жавоҳири» халқаро танловида муваффакиятли иштирок этган Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежининг ўқувчилари фахрли биринчи ва иккинчи ўринларнинг соҳиби бўлиб қайтишиди.

— Фестивалда шогирдларимиз, аввало, ўзбек куй-кўшиқларини ижро этишга эътибор қаратишди, — дейди моҳир педагог Гулчехра Мухторова. — Шунингдек, улар саҳнада русча, инглизча ашулашарни ҳам маҳорат билан куйлашди. Дарвоҳе, коллеж қошида фаолият юритаётган мусиқа мактаби эстрада хонандалиги йўналиши ўқувчиларининг ҳам мазкур тадбирда ўз истеъдодларини нағойиш этиши ўзбекистонда қобилияти ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантиришга нечоғлик аҳамият берилаётганлиги маҳсулуни катта саҳнада кўрсатиб берди. Мактабнинг 3-синф ўқувчиси Милана Башарова ижро этиган «Чилдирмага ўйна», «Наманганинг олмаси», 5-синф ўқувчиси Син Силевана маҳорат

билан куйлаган «Саҳро» ашулашари «Қизил дengiz жавоҳири»нинг биринчи даражали мукофотига лойик топилди. Ўзбек наволарини турли мамлакатлардан ташриф буорган фестиваль меҳмонлари ҳаяжон билан тинглаб, жўр бўлишиди.

Дарҳақиқат, коллеж ҳаётида бундай қувончи воқеалар жуда кўп тақорланади. Форте-пъяно, торли чолгулар, пулфлама ва зарбли чолгулар, ўзбек халқ чолгулари ва баян, академик хонандалик, хор дирижёрги, анъанавий ижрочилик, мусиқа назарияси ва композиция, эстрада санъати, мусиқий овоз опера-торлиги ва бадиий ҳаваскорлик жамоа раҳбарлари тайёрлётган мазкур илм масканни таҳсилни олган ўнлаб иқтидор соҳиблари бугун ўзбек санъати ва маданиятини кўз-кўз қилишга ўзла-



Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

рининг муносабиҳ ҳиссаларини қўшишмоқда. Қатор йиллардан бўён нуфузли танловларда муваффакиятли иштирок этган коллеж битирувчилари ўз йўналишлари бўйича олий ўкув юртларига имтиёзли тарзда қабул килинмоқда. Бу имкониятдан «Қизил дengiz жавоҳири»нинг совриндорлари ҳам фойдаланишади.

— Биз Миср эҳромлари ҳақида кўп бора эшитган, ўқиган эдик.

Сафаримиз давомида уларни кўрдик. Мисрнинг қадимий обидаларини томоша қилдик, — дейди танлов ғолибларидан бири Мирусмон Тўхтамуродов. — Концертлар ўюштириб, кўплаб дўйстлар орттиридик. Айни пайтда ўз репертуаримизни янада бойтиш режаларини тузыапмиз.

О.МУРОДУЛЛАЕВА
Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистикининг энг юксак ютукларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш максадида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

З май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига багишинган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартадан 2010 йилнинг 31 марта – бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул килинади.

Танлов ғолиблари учун қўйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб маҳсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

ДИККАТ, ТАНЛОВ! ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига кўшган хиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;

- “Баркамол авлод йили”га бағишинланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текшируви учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
- энг яхши режиссёрлик иши учун;
- энг яхши матбуот хизмати;
- энг яхши фоторепортаж учун;
- энг яхши карикатура учун;
- чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга телевизион, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида ўзине қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъни назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга куйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исм-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлашмаросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни 2010 йил 3 майдан тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақоран берилади.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда куйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси,
100129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-йи.
Ўзбекистон Журналистлари
иходий уюшмаси
3-квават, 30-, 35-, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-
64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz**

“Баркамол авлод йили” муносабати билан Чилонзор туманинда 4-санатория мактаб-интернатида тадбир бўлиб ўтди. Академик лицей, касб-хунар колледжлари вакиллари ҳамда туман ИИБ ходимлари иштирокида ташкил этилган давра сұхбатида ўқувчи-ёшларни узлуксиз таълимнинг кейинги босқичига тўғри йўналтириш ҳамда ўсмирлар ўртасида содир бўлаётган ҳукуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олишга алоҳида эътибор қаратилди.

— Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир киши кучли фуқаролик позициясига эга бўлиши, миллий ва умуминсоний қадриятлардан самарали фойдаланган ҳолда атрофда содир бўлаётган воқеаларга теран на-

ДАВРА СУҲБАТИ

зар солиши лозим, — дейди 4-санатория мактаб-интернати психологи Азиза Нарзуллаева. — Бундай жараёнда мустақил ва соғлом фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, уларга тўғри йўл кўрсатиш муҳим аҳамият қасб этади. Мактабимизда ўтказилган бу каби тадбирлар ҳам бугунги куннинг долзарб масаласига баришланди.

Тадбирда туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ёшлар ўртасида учраётган ҳукуқбузарлик ва жиноятчилик оқибатлари хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Шунингдек, давра сұхбатида 1-Тошкент педагогика, Дўймбирабод машиий-хизмат кўрсатиш, Чилонзор транспорт коллежи вакиллари ҳам иштирок этди. Ўқувчилар билан бўлган мулоқот жараёнида уларнинг қизиқишилари, интилишлари тингланди.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,
“Туркистан-пресс”**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Баркамол авлод фалсафий тушунчасини шарҳлаш ва англашда Навоий мана бу қитъасининг гоявий мазмумни ибратлидир:

*Камол эт касбким,
олам уйидин
Санга фарз ўлмагай
ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин потамом
ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин
нопок чиқмоқ.*

Қитъанинг ҳаётий сабоги шундаки, олам уйига ташриф буюрган инсоннинг камолотга эришишдек муқаддас мақсади, орзуи бўлиши лозим. Дунёга келиб, мақсадсиз яшаган, инсоний баркамолликка эриша олмаган одам, охир-оқибатда, олам уйидан ғамнок — афсус-надомат билан чиқади. Шоир айтадики, умр фаниматди, баркамоллик касб этгин, токи ҳаётинг ниҳоясида ушбу оламни ғамгин, қайгули тарк этмагайсан. Зеро, комилликка интилмасдан ўтиш бамисоли ҳамомга кириб, нопок чиқиб кетмоқ билан баробардир.

Алишер Навоий асарларида баркамол авлод таълими ва тарбиясига таалукли фикрлар жуда кўп. Бунда илмга ва олимларга муносабат алоҳида аҳамиятга эга.

*Йигитликда ўиф
имнинг маҳзани,
Қарилкда харж
қилил ани.*

Шоир талқинидаги илм ҳозирги тушунчамиздагидан кўра кенгрок маънога эга. У фан маъносидан ташқари, ҳунар, касб-кор, ҳаётий тажриба каби маъноларни ҳам англатади. Бир қарашда, ёшлик илмни йиғиши,

НАВОИЙ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН МАСАЛАСИ

тўплаш — қарилк эса харж қилиш, сарфлаш мавсумидир. Чуқурроқ ёндашганда, илм шундай хазинаки, у инсонга тўқ-фаровон, бойбадавлат, баҳтили-саодатли умр кечириш ва қаригандан муҳтоҳ бўлмаслик, қарилк айёмида хор-зор, қаровсиз қолмасдан, ёшлиқда ортирилган илм хазинаси эвазига роҳат-фароғатда яшаш имкониятини беради.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-кулуб” асары комил инсон тарбиясига доир муҳим манбалардандир. Айниқса, унинг иккинчи қисмида маънавий баркамолликка оид қатор фазилатлар шарҳланади, улардан ёшлиқимиз учун энг зарурларидан бири қаноатдир. Қаноатга шундай ажойиб таъриф берилади: “Қаноат — бир ҷашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди; у бир хазинадирки, унда қарам бўлмаслик ва хурмат меваши бордир”. Дарвоқе, қаноат билан табиатини тоблаған инсон мол-давлат илинжида олис юртларда сарсон-саргардон кезмайди, обрӯ-эътиборини ерга урмайди, оиласи ва ҳалқининг шаънига дое туширмайди.

Асарнинг учинчи қисмидаги таърифлар бири-биридан қимматбаҳо маънавий дуру гавҳарлардир. Ҳусусан, саҳоват ва ҳиммат тўғрисидаги таърифда кўнгил мул-

кини забт этувчи куйидаги мушоҳадалар мавжуд: “ҳиммат аҳлиниңг ихтисоси — саҳоватдир; бу улуғ сифат — покиза кишиларга хосдир. Одам — бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир; ҳимматилардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади... ҳимматсиз одам — хазина топса ҳам буюкларга тенг бўлмас”.

Улуғ шоир бошқа бир асарида нақл қилишича, ҳиммат-саҳоват ва ҳомийликни қасб-корига айлантирган Ҳотамтойдан ўзингиздек ҳимматли бошқа бир кишини кўрганмисиз, деб сўрайдилар. Ҳотамтой бир куни дашт аҳлига юз туя, сон-саноқсиз қўйлар сўйиб, зиёфат берганини, шу орада тоза ҳаво олиш учун даштта чиқиб, ўтинчи чолни учратганини, уни орқалаб олган тиканлари заҳматидан озод бўлиб, Ҳотамтой зиёфатига кириб ором олишга даъват этганини, чол эса рад этиб, бирор берган хазинадан кўра, ўз қўл кучи билан ишлаб топган бир дирҳам афзалигини айтиб, сен ҳам Ҳотамтой миннатини эшитгандан кўра, ушбу тиканли ўтина заҳматини тортақол, дея жавоб берганини эслайди ва шундай хulosани баён этиди:

*Улки бу янглиғ сўзи
мавзун эди,
Мендин аниңг ҳиммати
афзун эди.*

Демак, тамасизлик, қаноат олийҳимматликнинг энг юксак босқичи экан. Навоий ҳиммат шарҳи учун табиатдан ҳам шундай жуда оддий, аммо ажойиб ва гаройиб мисоллар топиб, бадиий талқин этадики, унинг маҳоратига қойил қолмай илож йўқ:

*Тухм ерга кириб,
чечак бўлди,
Курт жондин кечиб,
ипак бўлди.
Лола тухмича
ғайратинг йўқми,
Ипак қуртича
ҳимматинг йўқми?*

Тухм, яъни лола уруғи — ёруғ дунёни тарқ этиб, ер бағрига кирди, ғайратшикоат кўрсатиб томир отди, тупроқни ёриб чиқиб ўди, лола гули бўлиб очилиб, оламга гўзаллик бағишлади. Гурт ўз жонидан кечиб, ўз вужудини қурбон қилиб, пилла ўради. Шу йўл билан инсоният оламини кийинтиргулик ипак ҳадя этди. Арзимас бир уруғ ва жонзот ғайрат ва ҳиммат билан бунёдкорлик кўрсатди. Эй одамзот, сен коинотнинг гултожисан, сенгагина раво кўрилган тафаккур ва амал коинотдаги бошқа бирор жонзоту жонсиз унсурда йўқ. Наҳотки, оддийгина лола уругичалик ғайратинг, ипак қуртича ҳимматинг бўлмаса, дея нидо чекмоқда Навоий. Бундай таъсирчан нидо ҳар қандай дангаса, инсонлик ғайрати, гурури, ҳиммати

мудраган ўсмирни маънавий-руҳий уйғоқликка давлат этса, ажаб эмас.

Дарвоқе, ҳар бир фуқаро инсонлик гурури, нодир истеъоди, ғайрат-шижоати билан меҳнат қилиб, ҳалол ризқ-рўз ундириса, шунинг ўзи олийҳимматлик, маънавий баркамолликдир.

Навоий асарларидаги ақлзakovat дурдоналарини ўзлаштириш ҳам баркамолликка эришишнинг муҳим омилларидандир. “Маҳбуб ул-кулуб”даги сатрларнинг кўпчилиги шу қадар ақлзakovat билан йўғрилганки, улар ҳалқ мақоллари дараҷасида пурмањо ва машҳур бўлиб кетган. Масалан:

“Чин сўз мўътабар, яхши сўз — муҳтасар”, “Билмаганни сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим”, “Оз-оз ўрганиб — доно бўлур, қатрақатра йигилиб — дарё бўлур”. Асардаги чин сўз ва уни айтиш одоби, меъери ҳақидаги мана бу мисралар ҳам баркамоллик тарбиясида аҳамиятлидир:

*Хирадманд чин сўздин
ўзга демас,
Вале бори чин ҳам
дегулил эмас.
Киши чинда сўз деса,
зебодуур,
Неча муҳтасар бўлса,
авлодуур.*

Алишер Навоий ижодининг аксарият қисми баркамол авлод тарбиясига бағишланган, десак муболага бўлмайди. Бу асарлар мазмуни ва гояларини ўқиб ўзлаштиришнинг ўзигина кифоя эмас. Улар ёшлари мизнинг ҳаётни ва фаолиятида ўзининг амалий ифодасини топмоғи зарур.

Нурсратулло ЖУМАЕВ,
Филология Фанлари
доктори
(ЎзА)

боеванинг синфи ўқувчиси Мансурдан бир ёш кичик, Элнур эса “Д” синф ўқувчисидан бир ёш кичик (бу Фарҳод эмас).

3. Матлуба Эркинованинг синфи — “Д” синф.

2. Тенгламани ечинг:

$$x^4 + 2y^4 + 4z^4 = 8xyz - 2$$

3. Ихтиёрий a_1, a_2, b_1, b_2 мусбат

$$\text{сонлар учун } \frac{a_1^2}{b_1^2} + \frac{a_2^2}{b_2^2} \geq 2 \left(\frac{a_1 + a_2}{b_1 + b_2} \right)^2$$

тенгсизлик ҳар доим бажариладими?

4. 2010 натурал сон берилган. Бу сонлар ичдан йигиндиси 2010га бўлинидиган сонлар ахратиб олиш мумкинлигини исботланг.

5. Томонлари a, b, c бўлган ABC учурчакнинг А учидан AM медиана ва AL биссектриси ўтказилган. BC кесмада S нуқта шундай танланганки, бунда AL тўғри чизиқ MAS бурчак биссектрисаси бўлади. BS ва CS кесмалар нисбатини топинг.

Жавобларни жорий йилнинг 20 февралига қадар ташкилий қўмитага почта орқали, ёки Республика Таълим маркази электрон почтаси (sirtqi_olimp@mail.ru : rtm@uzedu.uz)га юборишингиз мумкин.

Н.КАРИМОВ,
Республика Таълим маркази
аниқ фанлар бўлими бошлиги

СИРТҚИ ОЛИМПИАДА: ИККИНЧИ БОСҚИЧ БОШЛАНАДИ

2-босқич
8-синф

$60^\circ, \angle B = 40^\circ, \angle C = 120^\circ$ ва $CD = AD$ бўлса, $BC + CD = AB$ тенглик бажарилишини исботланг.

9-синф

1. Суҳроб ва унинг тўрт нафар қўшниси бир мактабнинг ҳар хил синфларида (5-синфдан 9-синфгача) ўқибди. Ўз-ўзидан тушунарлики, уларнинг синф раҳбарлари ҳам ҳар хил (улардан бири — математика ўқитувчиси Муҳаббат Шаропова). Бундан ташқари, синфларнинг ҳар фий белгилари (А, Б, В, Г, Д) ҳам ҳар хил. 1 сентябрда ким қайси синфа бориши ва синф раҳбарининг исм-шарифини топишга ҳаракат қилиб кўринг (синфларнинг фарқи ёш бўйича тенг бўлади).

2. Тенгламани ечинг: $(x^2 + x + 1)(x^{10} + x^9 + \dots + x + 1) = (x^6 + x^5 + \dots + x + 1)^2$

3. Иррационал сонни иррационал даражага оширганда рационал сон ҳосил бўлиши мумкинми? Жавобини асосланг.

4. 5×6 ўлчамли тўғри тўртбурчакнинг 19та катаги бўялган. Ундан камида учта катаги бўялган 2×2 ўлчамли квадратни танлаб олиш мумкинлигини исботланг.

5. $ABCD$ қавариқ тўртбурчакда $PA =$

МЕТОДИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ МУХИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ САНАЛАДИ. ШУ БОИС ҚАЕРДАКИ МАЗКУР ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАР КЎНГИЛДАГИДЕК ВА НАМУНАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛСА, НАТИЖАЛАР ПЕДАГОГЛАР МАҲОРАТИ ВА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИДА НАМОЁН БўЛАБОШЛАЙДИ.

Методик хизмат кўрсатиш сифати таълим мазмунига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири саналади. Шу боис қаердаки мазкур йўналишдаги ишлар кўнгилдагидек ва намунали йўлга қўйилса, натижалар педагоглар маҳорати ва ўқувчилар билимида намоён бўла бошлади.

Кармана туманидаги 8-умумтаълим мактабида ташкил этилган ҳудудий ўқув-амалий семинар ҳам туман мактабларида мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиш, ўрганиш ва ривожлантиришга багишланди.

Дастлаб меҳмонлар мактаб мониторинг ва методик хизмат кўрсатиш хонаси билан танишиб, мактабда ўқитувчиларнинг бу борадаги ўзига хос тажрибаси билан ўртоқлашиши. Шундан сўнг 2009 йилда тасдиқланган "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат тўғрисида" ги Низомнинг мазмуни ва унин туман таълим муассасаларида қай дараҷада татбиқ этилаётганди.

МУХБИРИМИЗ

ги таҳлилига тўхталиши. Иштирокчилар, хусусан, туман методика кабинети мудири Д.Тулякова масалага таҳлили ёндашиб, айрим жойларда мактаб фан методибларнинг мурасида дараҷада фаолият юритаётгани холда, улар ишини мувофиқлаштириб турувчи мактаб "Методик кенгаш"лари фаолиятида сустлик кузатлаётганини айтиб ўтди. Бунга сабаб сифатида эса "Методик кенгаш" ишини ташкил этивучи аксарият мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари фаолияти етарили даражада ташкил этилмагани, айримларининг методик малакага эга эмаслиги кўрсатилди.

Семинар-тренингда, шунингдек, таълим муассасаларига узлуксиз методик хизмат кўрсатишнинг ҳозирги кундаги асосий вазифалари ва уни амалга оширишда методистнинг асосий фаолият йўналишлари мөъёрий ҳужжатлар асосида кўриб чиқилди.

ХАФИЗА ИСАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХТХҚТМОМИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР» ҲАМДА «АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ – ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ҲАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШДИР» МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗАЛАРИНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда институт профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Ўқув-семинарда Юртбошимиз маърузаларида келтирилган бугунги кунда долзарб бўлган масалаларга бағишлиган маълумотларни ўқув машгулотлар мазмунига сингдириш ва улардан дарс жараёнларида самарали фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, ўқув-семинар давомида институт профессор-ўқитувчилари томонидан ушбу маърузадан келиб чиқсан ҳолда малака ошириш курси маъруза матнларини таомиллаштириш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

ХАФИЗА ИСАНОВА, «Ma'rifat» мухбири

ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВ. БУ МАЪЛУМ МУДДАТДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЮМУШЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, АЙНИ ПАЙТДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРГА МАССҮЛ ШАХСЛАРНИ БЕЛГИЛАШ БИЛАН БОҒЛИК МАСАЛАЛАР МАЖМУИДИР. ШУНИСИ ЭТЬИБОРИКИ, БУ ТАДБИРНИНГ ИЖОДИЙ РУХДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ КЎПЧИЛИК УЧУН БИР САБОҚ, МАКТАБ ВАЗИФАСИНИ ЎТАМОГИ МУМКИН.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ университетида Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Тошкент шаҳар кенгashi ташаббуси билан ташкил этилган кўргазмали ҳисобот-сайлов ишилиши хорижий филология факультетининг рус тили кафедраси касаба ўюшмаси ташкилоти, мунтазам фаол иштирок этди.

— Кафедра касаба ўюшмаси турли доираларда ўтказиладиган тадбирларда мунтазам фаол иштирок этди, — дейди университет касаба ўюшма кўмитасининг раиси Аҳмаджон Холмирзяев. — Уларнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги дорилфунун маъмурияти, касаба ўюшмаси кўмитаси томонидан муносиб баҳоланиши баробарида, бир неча марта фахрий ёрликлар, совгалар билан тақдирланган.

Тадбирда Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмалари Марказий кенгashi вакиллари, Тошкент шаҳар кенгashi тасаррӯфидаги олий ўқув юртларининг касаба ўюшма кўмиталариринига раислари ва бошқалар иштирок этди.

Кайд этиб ўтиш жоизки, кафедра ҳаётида касаба ўюшмасининг ўзига хос ўрни ва мавқеи бор. Хусусан, профессор-ўқитувчилар ва ишчи-хизматчиларнинг муносиб иш шароитига эга бўлиши, кам таъмини-

О.МУРОДУЛЛАЕВА

ЮРТИМИЗНИНГ САМАРҚАНД, ШАҲРИСАБЗ, ТОШКЕНТ, МАРГИЛОН, ХИВА КАБИ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ ДУНЁ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА АЛОХИДА ЎРИН ТУТАДИ.

Биз неча замонлардан бери давр синовларига бардош беруб, бизгача этиб келган бу каби меморий обидаларимиз билан фарҳанамиз ва шунинг баробарида улар ҳақида муқаммал билимга эга бўлишга ҳаракат қиласиз. Тарих фани ойлиги давомида вилоятимизнинг Хива, Ургач каби тарихий шаҳарлари, ундаги маданий ёдгорликлар бўйича саёҳат-дарс ўюштириб обидаларнинг ўтмиши ва бугунига назар ташадид. Амалий машғулотнинг самараси ўлароқ ўқувчиларимиз воҳа тарихига оид кўплаб маълумотларга эга бўлдилар. Фан ойлиги якунда амалий машғулотларда олинган таассуратлар асосида ўқувчилар иншо ёздилар.

Шунингдек, фан ойлиги давомида ўқувчиларнинг қизиқишини ошириш мақсадида турли тадбирлар, викторина ва фестиваль ўтказилди. Унда иштирок этган мактаб ўқувчилари синфларо мусобакалашиб, ой давомида олган билимларни синовдан ўтказдилар. Очик дарсларда эса, илим масканинг фан ўқитувчилари ўз тажрибаларини ўртоқлашдилар.

М.РАЖАБОВА,
Богот туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИНГ МАҶНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ДУНЁҚАРАШНИНГ КЕНГАЙТИРИШ, УЛАРНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БУЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН ЯРАТИБ БЕРИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЁТИР.

Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни жорий қилиш, уларнинг бўш вакътларини тўғри тақсимланишига кўмаклашища оила – маҳалла – мактаб занжирини яратиш ўқитувчи ва мураббийлар билан бир қаторда ота-она ва маҳалла фаоллари, қўни-кўшниларнинг ролини янада оширади.

Пойтахтимиздаги 81-мактабда бўлиб ўтган «Таълим муассасаларида оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» маркази фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва усуслари» мавзусидаги Тошкент шаҳар семинарида юқоридаги масала атрофлича муҳокама қиласиз.

Унда, шунингдек, маркази фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, маънавий-маърифий амалиётлар самарадорлигини оширишга қараштирилган чора-тадбирларнинг бажарилиши, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва тўгараклар қамрови-

ни кенгайтириш каби мавзуларда маърузалар тингланниб, таклифлар билдирилди.

— Ёшларни ҳам маънан, ҳам жисмонан етук, баркамол шахс қилиб тарбиялаш бугунги кун ўқитувчи ва мураббийлари олдига кўйилаётган энг муҳим талаб, десак янглишмаймиз, — дейди Учтепа тумани ХТБ мудирининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Салтанат Тўлаганова. — Бунда мактабнинг ота-она, қолаверса, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги самарали йўлга кўйилган бўлса, кўзланган натижаларга эришиш янада осон кечади.

Семинар-тренингда ТШХТББ мудир ўринбосари Х.Акбаров, шаҳар ва туман мактаблари директорлариning маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этиб, фикр-мулоҳазалар билдирилар.

Фарида ЭГАМБЕРДИЕВА

ТЎРТКЎЛ ИНДУСТРИАЛ ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «БАРКАМОЛ ТАФАККУР» КЛУБИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, УЛАРДА ИНСОНӢ ХИСЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, АДАБИЁТ ВА САНЬАТГА МУҲАББАТ ЎЙГОТИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ ХИЛ ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИБ КЕЛИНМОҚДА.

Галдаги тадбир «Мехр муджаси», деяномланиб, атрофига кўпгина истеъододли, шижаотали ёшларни бирлаштириди. Фазал мулканинг сultonни Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишли ташкил этилган мазкур кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад, талабаларда ижтимоий, маънавий-маърифий масъулликни, саводхонликни оширишдир.

Танловда ўқувчилар «Ватангва ва таъиати мактабида мактабнинг ота-она, қолаверса, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги самарали йўлга кўйилган бўлса, кўзланган натижаларга эришиш янада осон кечади.

Айтиш керакки, ўқитувчилар орасида ҳам қизикларни танловлар ташкил этиш клубнинг келгуси режасидан ўрин олган.

Мунаввара ЮСУПОВА,
коллеж ўқитувчиси

ЮНУСОБОТ ТУМАНИДАГИ 499-МТМДА «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АЛИШЕР НАВОЙНИНГ 569 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН «БЮЮК СИЙМОЛАР ҚАЛБИМИЗДА АБАДИЙ» МАВЗУИДА КЕЧА БУЛИБ ЎТДИ.

Республика ёшларининг "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуси билан ҳамкорликда ўюштирилган тадбирда Ўзбекистон ҳалқ шоири Анвар Обиджон межмон бўлиб, болажонларга шеърларидан ўқиб берди. Ўз ўрнида боғча тарбияланувчилари ҳам буюк бокалонларимиз Навоий ва Бобур газалларини ёддан айтиб, тадбир қатнашиларини хушнуд этдилар. Шунингдек, юқори гурух тарбияланувчилари томонидан ҳайвонот дунёсини химоя қилиш йўллари сахна кўриниши орқали намойиш этилди.

Тадбирнинг энг фаол қатнашилари, қолаверса, кечак мезбони билан 499-МТМга "Bioekosan" ўқув-услубий мажмуси томонидан Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари топширилди.

Ш.КЕНЖАЕВ

ҲАР ҚАНДАЙ ИМОРАТНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИ УНИНГ ПОЙДЕВОРИГА БОҒЛИҚ. КИШИНИ ТАРБИЯЛАШ ҲАМ БИР БИНОНИ БУНЁД ЭТИШДЕК ГАП. ФАҚАТ УНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ЭЗГУЛИКДАН БАРПО БЎЛСАГИНА ИНСОНИЯТ ТАМАДДУНИДА ИЖОБИЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТИШИ МУМКИН.

Хамза туманидаги 307-иҳтиясослаштирилган умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирга ушбу фикр моҳиятидан келиб чиқиб баҳо берилди.

— Ўқувчининг саводхонлиги, тиришқоҳ ва билимга чанқоқлиги, хуллас, келаҳак ҳаёт йўлини тўғри танлашида биринчи синфа олинган тарбия ва таълим жуда муҳим, — дейди 18 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган бошланғич таълим фани ўқитувчиси Фотима Равшанова. — Шу сабаб бошланғич синф ўқитувчиларига улкан масъульият юкландган.

Тадбирда зиё масканига

САМАРҚАНД ШАҲАР ЁШЛАР МАРКАЗИДА АКАДЕМИК ЛиЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН «ЧЕКИШ – УМР ЗАВОЛИ» МАВЗУИДА УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ.

Софлом авлод учун» хайрия жамғармаси Самарқанд вилюят филиали директори Р.Рахмонова ҳамда Саломатлик ва тиббий статистика институти вилюят филиали директори Л.Алматова иштирок этиб, ўқувчи-ёшларга қашандикларнинг инсон саломатлиги ва ҳаётига салбий таъсирлари ва унинг оқибатларини видеолавҳалар орқали тушунишириши.

Учрашув сўнгиде ўқувчи-ёшлар ўртасида викторина ўтказилиб, энг яхши билимдан ўқувчилар қимматбаҳо соғвалар билан тақдирландилар.

М.БОЛИЕВ

Автотранспорт воситалари га техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш йўналиши ушбу коллеж ўқувчилари учун янгилик бўлди. Коллежда касбхунар сирларини ўрганаётган ёшлар бу даргоҳни битиргач, автотранспортлар техники, «В» ёки «В,С» тоифадаги ҳайдовчи, техник хизмат чилангари каби ихтисосликларни эгаллашади.

Коллежда ҳозирги кунда 551 нафар ўқувчи бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик ишлаб чиқариш, автотранспорт воситалари га техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, транспортерларда ташиш ва ҳаракатни бошқариш, компьютер ва компьютер тармоғини ишлатиш ҳамда уларнинг дастурий таъминоти йўналиши бўйича ўқиб, билим ва касб ҳунар ўрганмоқда.

— Техниканинг ривожланиши автомашиналарнинг кўпайишига олиб келди. Машинанинг тузилиш формуласини билмай туриб, уни бошқариб бўлмайди. Айниска, буни узоқ сафарга чиқсанлар кўпроқ билиши керак, — дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Абдурауф Сиддиқов. — Коллежимизда

КАСБИНГ – АЖРАЛМАС ЙЎЛДОШИНГ

«Очиқ эшиклар куни» тадбирларида бу тушунча ўқувчиларга теран тушунтирилмоқда

касбий таълим ҳоналари мавжуд. Тикув машинаси устахонаси, ўқув амалиёти ҳоналари, замонавий физика, кимёбиология ҳоналари, спорт зали, ахборотресурс маркази ташкил этилган.

— Тўгараклар ўқувчининг таъминланган касбига бўлган иштиёқини оширади, — дейди «Моҳир кўллар» тўгараги раҳбари Ш.Мусаева. — Ўқувчим Дилором тикувчилик сирларини коллеждаги «Моҳир кўллар» тўгарагига қатнаб юрган кезлари ўрганди. Ундан яхшигина тикувчи чиқади.

— Энди кийимларимни ўзим бичиб тика оламан, — дейди Дилором устозининг сўзларини давом эттириб. — Хатто кўни-кўшниларимиз ҳам буюртма беришади. Бу даргоҳда

ўқиётганимдан мамнумман. Келажақдаги ниятим моҳир тикувчи бўлиш.

Коллежни бу йил 204 на-

масди. Буни тезда пайқаган коллеж жамоаси «Очиқ эшиклар куни»ни ўюштириди. Тадбирга тумандаги 322, 385, 8,

6, 32, 3-мактаб битирувчилари таклиф қилинди. «Халқа хизмат — олий ҳиммат» шиори остида саҳнага чиқиб келган «Транспортерларни ташиш ва бошқариши ташкил этиш» ўқувчилари транспортерларни ташиш ҳамда уларга хизмат кўрсатишда келиб чиқаётган айрим камчиликларга саҳна кўриниши орқали ургу беринди.

— Отам хуқуқшунос бўлишимни истайди. Менинг қарорим бошқача. Тест натижаларида кўпроқ табиий фанларга лаёқатим борлиги аён бўлди. Коллеж ҳақида синф раҳбарим-

фар ўқувчи битиради. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида 12- ва 4-автосаройи, «Милтекс» тикувчилик ишлаб чиқариш корхонаси, «Aygen» фирмаси, шунингдек, тумандаги бир нечта хусусий автосервислар билан уч томонлама шартнома тузилган. Хулқи, билими билан ўзини кўрсата олган 40 нафар битирувчи эса амалиёт жойида ҳозирданоқ иш билан таъминланди.

Бу коллеждаги янгиланишларни туманда кўпчилик бил-

Maktabgacha ta'lif muassasalarida

нининг фаол иштирокисига айлантиришга оид методик усуслар, илмий ва амалий фикр-мулоҳазаларга бой бўлди.

Дастлаб меҳмонлар МТМ психология Дилфуз Аҳмедованинг ишхонаси ва ундан мухит билан таънишиди. Тумандаги 47-МТМ психология Гулсара Жалолова болаларда тортичоқликнинг юзага келиш сабабларига илмий ва амалий томондан тўхталиб ўтди. Психолог таъкидлади, боланинг катталар томонидан таъкид остида ўсиши ёки хатоларга йўл кўйганда, кўп ва тез-

шириш усули) ўйинлар ўйнаш, сұхбат ўтказиш каби методларини тавсия қилди. Шундан сўнг 307-МТМ психология Дилфуз Аҳмедова, 498-МТМ психология Сожида Кодирова билан биргаликда тарбияланувчилар ўтасида «Сиз мулокотга киришилмисиз?» деб номланган тест ўтказди. Натижаларга кўра, тортичоқ болаларни кўпроқ лидер қилиш, ўйинда уларга боз қаҳрамон ролини топшириш муҳимлиги сезилди. Уларнинг эътироф этишича, тортичоқ бола билан яқин инсон сифатида сұхбат килиш, кўпроқ эътибор каратиш орқали фаоллаштириш мум-

ФАРЗАНДИНГИЗ ТОРТИНЧОҚ БЎЛСА...

тез танбеҳ эшлиши, баъзида ота-она томонидан кам меҳр ва эътибор берилishi ҳам унда ўзига нисбатан ишончи сусайтириб, тортичоқ бўлиб қилишига таъсир этади. Айрим ҳолларда эса болалардаги тортичоқлик улғайгач, уларнинг фаол ҳаётга аралашуви ва атрофдагиларнинг таъсири натижасида ўқолиши мумкин. Бироқ баъзи болалар улғайгандарига ҳам тортичоқлик куршовидан чиқиб кета олмайдилар.

Психолог ўз ҳамкасларига тортичоқ болалар билан коррекцион (Коррекцион — мантиқий фикрлаш) қобилиятини шакллантириш. Арапаш матн тузуб, болаларнинг зийраклигини тек-

кин. Ҳар қандай болага «Йўк», «Ундей эмас», «Асло бунақа қўлмагин» тарзидаги сўзлар қаттиқ таъсир этади ва улардаги фикр ёки мавжуд истакни байн этиш ҳоҳини сўндиради. Тортичоқ болаларнинг бошқа фаол тарбияланувчилар сафига қўшилиши учун боғча психологии эринмай иш олиб бориши, унинг тарбиячиси ва ота-онаси билан ҳамкорлиқда, маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши мақсадга мувофиқиди.

Мазкур тадбирда иштирок этган барча МТМ психологиялари ўз масканларига янгича тажриба билан қайтилар.

Зебо НАМОЗОВА.

Владимир ГРАНКИН олган сурат.

ТАСВИРИЙ САНЬАТ МАШГУЛОТЛАРИ

ЎҚУВЧИДАН КЎПРОҚ ИЗЛANIШ ТАЛАБ ЭТАДИ

Тасвирий санъат фани ёш авлоднинг гўзалликни хис қилиш қобилиятини оширишда, миллий қадрият ва анъана-ларни ўшлар тарбиясига сингдиришда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Ҳозирги замон талабларига мос равиша янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб, дарсларни ташкил этиш ва олиб бориш тасвирий санъат ўқитувчисидан кўпроқ изланиш ва ҳар бир мавзуга ижодий ёндашишин талаб этади. Маълумки, тасвирий санъат дарслари кўпроқ амалий тарзда олиб борилади. Дарсларнинг янада қизиқарли бўлиши учун фақат амалий ишлар билан чегараланиб қолмасдан дарсларни баҳс-мунозара, ижодий фикрлаш каби машғулотлар тарзида олиб бориш кўпроқ самара беради.

Мен ўз дарсларимда тасвирий санъат қоидлари, таянч сўз ва атамалар, миллий анъана ва қадриятларни, ўзбек ва жаҳон тасвирий санъатига салмоқли хиссасини сомлаштиришади. **Fikr** кўшган расмомлар и жодини ўқувчиларга онгли равиша тушунтиришга ҳаракат қиласи. Бунинг учун ҳар дарсда тест саволлари, тарқатма материаллардан, бошқотирма, ребус, сўз ўйинлари, расмга қараб муаллифини аниқлаш каби вазифалардан унумли фойдаланаман.

Дарсларни баҳс-мунозара тарзида ташкил этиш ўқувчиларда уюшқоқлик ва ўзаро фикр алмашиб имконини яратади. Шу билан бирга, билим, кўнишка, малакаларни ижодий ўнталтиришга ҳамда мунозараларга кириши туфайли муаммолар ўз ечимини топади.

Тасвирий санъат машғулотларини интерфаол усусларда олиб бориш ўқувчиларнинг дарсга бўлган қизиқишини ошириш билан бир қаторда уларда ҳаётга бўлган қарашларини ҳам ўзгартиради.

Бундан ташкири, ўқув машғулотларини турли хил бошқотирмалар орқали ташкил этиш ҳам яхши самара беради. Ўқувчилар бошқотирмаларни ечиш давомида олган билимларини яна бир бозга олади ва мустаҳкамлайди. Бу уларнинг аклий ва интеллектуал билимларини бойишига олиб келади.

Марҳамат ХУДОЙҚУЛОВА,
Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқитувчиси



Кўпчилик ота-оналар фарзандларининг тортичоқлигидан шикоят қиласи.

Табиийки, синфдаги 30 нафар боланинг 2-3 нафари ҳаддан ортиқ шўх бўлса, яна 2-3 нафари тортичоқ бўлиши мумкин. Шўх болада сабр-тоқат ва мувозанат этиши маслиги баробарида тортичоқ болада бошқалар билан қизиқмаслик, атрофдагилар билан мулокотга киришиш истагининг камлиги, таълим жараёнида эса тарбиячи ва ўқитувчидан тушунмаганини сўрашга журъатсизлик қилиш каби ҳолатлар кўзга ташланади.

Юнусобод туманинг 307-МТМда шаҳар миёсида ташкил этилган МТМ психологларининг «Тортичоқ болалар билан ишлаш» мавзуидаги семинар тренинги бундай болаларни тенгдошлирига кўшиш, уларни таълим жараёнида ўқитувчига алоҳида эйтишни ўтказиб беради.

“Ma'rifat” газетаси энг яқин кўмакчимизга айланган. Шу ўринда, ушбу нашрда таълим ва тарбия, ўқитувчи муносабатини ривожлантиришга тутрти ўтлади. Ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда дарсларимда ҳар бир бола билан индивидуал ишлашга ҳаракат қиласи. Бу жараён, яъни индивидуал иш олиб бориш устоздан педагогик-психологик кенг маълумотга, кучли билимга эга бўлиши талаб этади. Бу борада, дарсларлик ўқув кўлланмалардан ташқари, ҳақиқатни яхшилашади.



материалларини ўқувчилар иштирокида мухокама этдик. Машғулот аввалида ўқувчилар ўзлари ташаббус билан мутафаккир бобомиз ижодидан намуналар ўқиб бердилар. Ёддан айтилган рубойи, туоқ ва фазаллар уларнинг миллий меросимизга, мумтоз адабиётга бўлган қизиқишилари юқорилигидан дарак. Ҳар бир дарс ниҳоясидага кейинги машғулот мавзуси билан боғлиқ вазифа топшириш ва уни индивидуал тарзда сўраш ўқувчиларнинг ижодкорлигини аниқлашади. Муҳим омил хисобланади.

Зилола ХАЙИТБОЕВА,
Хоразм вилояти
Хазорасп туманинг 17-мактаб ўқитувчиси

Франц Кафканинг ғалати феъл-атвори тўғрисида биласизми? Қизиқ асарлари билан адабиёт оламига янгича йўналиши, янгича баён этиши услубини олиб кирган ёзувчинг ўзига нисбатан ишончи, ёзгапларига бўлган муносабати жуда паст даражада бўлганлигига нима дейсиз?! Китобхон адабининг бу хусусияти сабабларини унинг “Отамга ҳат” эсессини ўқиши биланоқ пайқай бошлайди. Қаттиқўллиги билан фарзандларининг қатъиятсиз бўлиб улғайшига сабабчи бўлиб қолган отага қаратма у шундай деб ёади: “Сенинг қаҳру-ғазабинг қанчаден-қанча сўз сўраб кўтарилиган қўлларимни синдириди”. Кафка ўз қатъиятсизлигига отасининг қаттиқўллигию, бунинг оқибатида фикрини эркин баён этишини ўрганолмаганини сабаб билиб, дилидаги ҳақиқатларини тўкиб солади.

Дарвоқе, катталар ва кичиклар ўртасида тафовут ва турфа хиллик кўпинча зиддиятларни ҳам келтириб чиқарди. Шу боис, она эшитаётган мусиқа қизига, қизи эшиتاётгани онасига ёқмайди. Иккисининг кўнглида «бундай қўшиқларни, қандай эшитиш мумкин?», деган савол ўтаверади. Ана шундай зиддият оиласаримизда тоҳ йирик, тоҳ эса кичик тарзда кўзга ташланиб туриши бор гап.

Бир савол бизни кўп ўйлантиради, муҳим масалани муҳокама қилаётганда ҳали вояга етмаган фарзандининг ҳам фикрини сўрайдиган ота-оналар неча фойзни ташкил қиласкан? Психологларнинг таъкидлашиб, оиласа ўзининг алоҳида овозига эга бўлган болаларда ташабbusкорлик кучли бўлар экан.

— Ота-она оиласининг яшаш муҳитига бирор ўзгартариш киритмоқда. Дейлик, истиқомат қилаётган уйларини сошиб, янги жойга кўчиб ўтишмоқчи ёки фарзандларининг ўқиши жойини ўзгартаришмоқчи, бу масала юзасидан фарзандларига (гарчи у 7, 8 ёнда бўлса-да) “Сен нима дейсан? Сен бунга қандай қарайсан?” деган савонни беришни унутмасликлари кепрак. Чунки оиласаги ўзгаришлар нафақат катталарга, балки болаларга ҳам дахлдордир. Болалар шунда ўз руҳий кечинмаларини эркин ифодалай оладиган бўладилар, — дейди психолог Назокат Аҳмедова.

Очигини айтиш керак, бизда болаларнинг фикри, руҳий ҳолати билан ҳисоблашадиган ота-оналар жуда кам учрайди. Аммо, шуни унутмаслик лозимки, оиласаги долзарб бўлиб турган муаммо бўйича кичкинагина болакай ҳам ўзини масъул деб билиб, ота-онаси билан тенг равишда бош қотира бошлайди. Ва ниҳоят, у ечимини топгандек бўлди. Дарров отасига ёки онасига бориб муаммони мана бундай тарзда ҳал қилсанг-чи, дегандек фикрини айтганда эса, кўпингча унинг бу ташабbus тазиикларга дучор бўлади: “Ҳали ўшлик қиласан бунақа ишларга аралашишга, жим бўл!”, “Сен дарс қилишнинг ўрнига нималар ҳақида ўйляяпсан?!”, “Катталарнинг ишига аралашма!”, “Ўзимдан болам ақули-я, ўзингта ажратилган вазифаларни бажарсанг-чи!”, “Менга ақл ўргатма!...”

Ахир, фарзандингизнинг

мада эканлиги ҳақида ўйлашга фурсат топинг.

Ташабbus замирода мулоҳозакорлик, қатъият, билим, улдабуронлик каби хислатлар мунассабати бўлади. Унинг мунаввафакиятсизликка учраши ана шу хислатларига зарар етказиши мумкин.

— Иш фаолиятимда доим бир нарсага кўп аҳамият бераман. Кўпинча бемор болаларга “Сени нима безовта қиляпти, гапириб берчи”, десам, дарров ота-онасига қарайди. Ота-оналар эса бальзан фарзандининг ишорасини ҳам кутиб ўтирамай, боладаги шикоятларни ўзлари гапиришади. Мен эса боланинг қаери оғриётганини ўзининг тилидан эшитгим келади ва буни талаб қиласман. Аммо шунда ҳам ота-оналар бола-

шитмайди ҳам, гапирирмайди ҳам. Фақат ўзи гапиради, чунки катталар гапиришга ҳақли, кичиклар эшитишга мажбур, деган мутаассибларча фикрдан воз кечолмайдилар, — дейди болалар шифокори Шоҳида Мирмаҳмудова.

Кузатишимида, илк ташабbusлар кўпинча болаларнинг мурғак фикр ва қарашларини писанд қиласмаслик натижасида ўтиборсиз қолдирилади. Аммо фарзандлари вояга етиб, мустақил ҳаракатланиш ёшига етганда ҳам бунга имкон бермайдиганларга нима дейсиз?

Наргиза Имомова (ўқитувчи), 32 ёш:

— Оиласа тўнгич қиз бўлганим учун кичкинагимдан онамга уй юмушларида ёрдам бера бошлаганман. Бир

учун бўйим етадиган токчага қўйганимни айтольмадим. Илк ташабbusим шу тарзда қарши олинганини эслайман.

Саида Мақсадова (талаба), 20 ёш:

— Кичкинагимда турли ширинликларни пиширишга жуда қизиқардим. Биринчи ташабbusим биринчи пишириган печенъеим бўлган. Ўшанда уйда ҳеч ким йўқ эди. Оймининг “Пазандалик” дафтари олиб, шундан ўқиб пиширишни бошладим. Яхши чиқмади. Ойим келиб роса уришиди. “Масаллиқни увол қилибсан. Нега мендан бир оғиз сўрамадинг. Сен буни қиломасдинг”, деди. Ҳозир ойим ўшанда нотўғри йўл тутганмикан, деб ўйлаб қоламан.

Холида Эргашева (дизайнер), 24 ёш:

— Болалигимдан бошлаб онам уй безатиш, жиҳозлаш, уйга янги буюмлар сотиб олишда менинг фикрим билан ўртоқлашган. Менга ёқмаган безакдан доим воз кечган. Ва албатта, нега бу рангни, бу шаклни танлаганимни сўраб-суршиширади. Мен эса бу жараёнда ўз фикримдан муносабатидан менда ўз дидимга бўлган ишонч ортиб борди. Болалик хотираларимни ҳозир эсласам, уйни безашда, кийим танлашда унчалик ҳам дидли бўлмаганимни тушунаман. Ҳатто, уй деворига жуда бачкан, болаларга хос жимжимадор гулқоғоз танлаган эканман. Аммо онам менга шу ёққани учун фикримни рад этмаган. Энди билсан, унинг мақсади шу йўл билан менинг дид-савијамни ошириш бўлган экан. Шунинг учун ҳам дизайнерлик касбини танладим.

Ёшлар билан суҳбатда илк ташабbusларига ижобий муносабатга сазовор бўлганларини кам учратдик. Ҳатто, болаликдаги илк ташабbusларини эслай олмаганлар ҳам кўпчиликни ташкил қиласди. Эҳтимол, уларнинг ўзгаришлигини бирор ташабbus кўрсатмаганликларига катталарнинг изн бермаслиги сабабчидир. Агар Сиз ҳам ўз фарзандингизга шундай муносабатда бўлаётган экансиз, билингки, у ҳеч қачон ҳаётда ўз кучи билан улкан ютуқларга эришолмайди. Бу билан унинг қобилиятларини бўғиб, эркин фикрларини сўндираётган, орзуларини барбод қилаётган бўлишингиз мумкин. Улуғ адаб Франц Кафканинг эсессини ўқинг, Сизнинг фарзандингизга бўлган ўтиборсизлигини савијамни ўзини ўзгаришига оғиз берадиган болаларни кўриб хурсанд бўламан. Кўп кузаттаним учун улардаги бу икки ҳил феълатвор оиласардаги муносабатлар натижаси, деган холосага келаман. Тўғрида, шифокор олдида эркин гапиришга изн бермаган ота-она оила даврасида фарзандини умуман

куни ошхонани тартибга келтираётуб, беихтиёр идишлар жойлашувини ўзгаришишни хоҳлаб қолдим. Жавонлардаги буюмлар ўрнини ўзим истаганимдек ўзгаришиб ташладим. Ишдан қайтган онам бу ташабbusимни ножоиз деб топди.

— Мен неча йилдан бери косаларнинг бу ерда, қозоннинг эса мана бу ерда туришига одатланганман. Бу ўзгаришиб ўрганолмайман. Тезда ҳаммасини жой-жойига кўй, — деди. Ўшанда унга кўп йиллар давомида ўзгармай келаётган бу жойлашувдан зериканимни, қолаверса, керакли идишларни қийналмаслигим

БОЛАДАГИ ИЛК ТАШАББУС

улкан бунёдкорликларга қодир



ларини эркин гапиришга ҳам журъати етмай қолиши мумкинлиги ҳақида ҳеч бош қотириб кўрганимисиз? Катта бўлганида ҳам ота-онамни менинг фикрим қизиқтиримайди, деган муносабат билан айтмоқчи бўлган қанчадан-қанча гаплари тилга кўчмай қолишиничи? Ана шунда сиз янада оғир вазиятда қолишингиз табиий. Болангизнинг болалиги аллақачон битгану, оила ташвишини зиммасига олай демайди. Фақат сиз ёки турмуш ўртоғингиз мунаммони елканлизига оласиз. Энди уни ялқов деб аташдан ўзингизни тийингда, кеч бўлса-да, бундай феъл-атвор сабаби ни-

Шеър бир жиҳатдан инсоннинг дунёни гўзлароқ, ўзини мукаммалроқ кўриш истаги билан тутиши кетади. У инсон қалбини, унинг бесарҳад оламини англаб етиш истагидаги уринишлар, адогига етиш мушкул бўлган мавзу-масалалардан баҳс юритади. Чинакам шоир эса ўзини топиш, англаб йўлдаги саргарондиклардан ҳеч вақт чўчимайди.

Шу маъноди Навоий шеърнитини инсон, унинг қалби рангу оҳангани, эврилишларни излаш йўлига тушган руҳнинг гоҳ сокин, гоҳ зарбли парвозларига кўйлешаш мумкин.

Руҳига омонлик излаган шоир барча макомларинг машҳақатларини англаб туриб, шундай дейди:

**Бир мақоми амн топ,
анди бурун ором тут,
Сўнгра туз базум дилоромингта
хар дам жом тут.**

Инсон ким? Дунё-чи? Яшашдан мақсад нима? Тирикликнинг маъно-мазмуни қаерда? Ўтқинчилек анибадил сиро синоатлари қандай? Бу саволларга жавоб тоглиш учун Навоий асарларини варяклаш, улардаги маъноларни укиш зарур.

Шоир шеъларининг мавзу кўлами кенг. Жумладан, газалларнинг ўзини fojaviy-бади и хусусиятларига кўра ҳамд ва нафз газаллар, орифона, ошиқона ҳамда риндана газалларга гурухлашади. Лекин унга шуғалларни тутиштириб турдиган бир жиҳат бор. Бу — улардаги маърифат, ирфоний мазмун. Нафойнинг ўзи ҳам «Бадоев ул-бидор» девони дебочасида: «Девон топлиғайким, анда маърифатомиз бир фазал топлиғамага ва газал бўлғайким, анда маъвзизатангиз бир байт бўлғайганди. Мундоғи девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зойён машҳақат тортиғон бўлғай...», деб ёзган эди. (Мазмуни: Бирор девоним йўқки, унда маърифатомиз бир фазал бўлмасин ва бирор фазалим йўқки, унда нафзатомиз бир байт бўлмасин. Агар шундай девон битилгудек бўлса, унга сарфланган меҳнат бехуда машҳақатдан ўзга нарса эмас.)

Бу ўринда, айникиса, шоирнинг орифона газаллари мухимиmdir. Уларнинг бир кисми ҳаёт фалсафаси билан боғланни кетса, яъни ўзида ижтимои-сиёсий, фалсафий насиҳатомиз фикрларга асослансан, иккинчи туркмени орифона фазал ва байтлар ўзида сўфиёна маъно-мазмунни мухассамлаштирган.

Жумладан, шоир бир газалида:

**Сен ўз хулкунги туғил, бўлма эл
ахлоқидин хурсанд,
Кишига чун киши фарзанди
ҳаргиз бўлмади фарзанди,** —

деб ёзган эди. Мазкур байтдан: инсоннинг хулини унга худди фарзандидек, киши ўз ахлоқини фарзандини тарбиялагани каби тарбияламоги лозим, деган фикр англashingadi. Демак, нокобил фарзанд учун ота-она жавобгар бўлгани каби, ёмон хулини инсоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким жавоб бермайди... Навоий баъзан бу мазмундаги фикрларини ифодалашда енгил киноядан ҳам фойдаланади, жумладан:

**Дур кулогингда момуқдин бир чигиттур,
эл сўзин
Бу момуг бирла чигитдин айламассен
истимов.**

Байтнинг мазмуни: «Кулогингдаги дур худди паҳта чигитдек кулогларининг ёлиб қўйган, шу боис ўзгалар сўзини эшитмайсан». Байтда кулогка тақиған дур, яъни зирақ воситасида шоир дунёвий бойлик тимсоли ифодаланан экан, нафсига кул — дунёбанди кишининг кўзлари кўру, кулоги каби бўлиб колишини эътиборда тутган бўлса, ажаб эмас... Айни дамда, ўзгалар қанча насиҳат қўйласин, тўғри йўлга солиси учун инсоннинг ўзи интилмаса, буни ўзи истамаса, ҳеч қандай натиҳа бўлмайди.

Дунёда инсон учун нафсдан каттароқ душман йўнӣ, деган фикр орифона мазмундаги газалларда мухим масала қўлиб кўтарилади. Хатто инсоннинг кимнидир душман деб би-

либ, унга қарши курашга отланиши, шоир назидаги нафсига тобеълиқдан, дунёбандиклардан ўзга нарса эмас:

**Бўлуб нафсингта тобиъ, банд этарсен
тушса душмани,
Сенга йўқ нафсдек душман
қила олсанг ани қил банд.**

Алишер Навоий «Насоим ул-мухаббат» асарида мавлоно Румий ҳақида сўзлаб, шундай ёзди: «...Шайх Рұннидин Алоуддавла дептурки, менга анинг бу сўзи бафоят хуш келиб тур. Агар ходимдан сўрслар эрдики, уйда ҳеч нима борму? Агар деса эрдики, йўқтур, мунбасит бўлиб (шодланиб) шукур килурлар эрди ва дерлар эрдики, бу кун бизнинг ўй пайтамбар уйига ўшар ва деса эрдики, матбасига охшона) мухайёрдур, мунқалиб бўлиб (ўзгариб) дер эрдики, бу ўйдан бу кун фирғавий уйи иси келадур». Бу — йўқсилликни тарғиб этиб айтилаётган фикрлар эмас. Бу — нафсинни жиловлашга ўрганган, нафси устидан аллақачон галаба килиб ултурган, руҳи илоҳий олам билан тутиш инсоннинг юланчларидир. Зоро, ўзини кучлиман, деб билган инсонларни укиш зарур.

Шоир шеъларининг мавзу кўлами кенг. Жумладан, газалларнинг ўзини fojaviy-бади и хусусиятларига кўра ҳамд ва нафз газаллар, орифона, ошиқона ҳамда риндана газалларга гурухлашади. Лекин унга шуғалларни тутиштириб турдиган бир жиҳат бор. Бу — улардаги маърифат, ирфоний мазмун. Нафойнинг ўзи ҳам «Бадоев ул-бидор» девони дебочасида: «Девон топлиғайким, анда маърифатомиз бир фазал топлиғамага ва газал бўлғайким, анда маъвзизатангиз бир байт бўлғайганди. Мундоғи девон битилса, худ асру бехуда заҳмат ва зойён машҳақат тортиғон бўлғай...», деб ёзган эди. (Мазмуни: Бирор девоним йўқки, унда маърифатомиз бир фазал бўлмасин ва бирор фазалим йўқки, унда нафзатомиз бир байт бўлмасин. Агар шундай девон битилгудек бўлса, унга сарфланган меҳнат бехуда машҳақатдан ўзга нарса эмас.)

Бу ўринда, айникиса, шоирнинг орифона газаллари мухимиmdir. Уларнинг бир кисми ҳаёт фалсафаси билан боғланни кетса, яъни ўзида ижтимои-сиёсий, фалсафий насиҳатомиз фикрларга асослансан, иккинчи туркмени орифона фазал ва байтлар ўзида сўфиёна маъно-мазмунни мухассамлаштирган.

Жумладан, шоир бир газалида:

**Тўрт унсур қайдидин то чиқмагайсан
нағъ эмас,
Осмоний тўрт дафтари
тутайким ёд бил.**

Тўрт унсур — инсон жисмининг, умуман, дунёнинг асосини ташкил этган моддалар — ўт, сув, ҳаво ва туркоқ. Осмоний тўрт дафтар эса инсониятга юборилган мукаддас китоблар — Таврот, Забур, Инқил ва Куръони каримидир. Тўрт унсур ва тўрт илоҳий китоб — моддийлик тархони оламини ҳам мутаносиблида, ҳам бир-бирига қараш-қўйиб кўплаб турдиган шоир тирикликнинг мөхиятини тушунтиргандек. Оёқлари билан заминда яшашга маҳкум, руҳи билан юксакларда парвоз этишга интилган инсоннинг юрак ўришини китобкон кўнглига ҳам кўчираётгандек... Байтни шундай тушунтириши мумкин: Агар сен тўрт унсур, яъни моддийлик кишинидан ўзининг ҳалос эта олмас экансан, ҳатто илоҳий китобларнинг барасини ёддан билганингда ҳам фойда йўқ. Чунки ҳамма гап кўнглида, унинг амаларида. Моддийликка — дунёвийликка берилиб кетган одам, у ҳатто катта билим эгаси бўлса-да, шу ўтқини дунёнинг кулига айланбай қолади. Юксак маъмурга этишиши ниятидаги инсон албатта бу моддий — нафсоний эхтиёжлардан ҳалос бўлиши зарур:

**Бадан аносирининг чоргоҳин эт хориж,
Навоий, десанг айлай фалак сари оҳанг.**

Байтда таъкидланётган «бадан аносирининг чоргоҳи» — инсоннинг моддий асосини ташкил этивчи тўрт унсур, аниқроғи, нағъ, ўзлик. Инсон дунёни тўғри англости, мукаммаликка олиши учун ана шу — инсон ва руҳи олам ўтасидасида тушунириларни гулираро тимсолида ифодалар экан, бу гулнинг бир томонини дунё ҳасратида кўйган, сарғайлан юзга, иккинчи томонини қон ўшларига ўшшатди:

**Зайфароний юзда гулгун ашк тўкмак
не осиг,**

**Жароҳат узра ынғимлоқдурур
чибинга хос.**

Албатта, кўнглида нусонлар(иллатлар) кўп бўйса, у ташвиш ва таҳликада яшайди, қийнади, жароҳат устига чивиннинг тўдланиши табий. Иллатлардан кутула олмаган кўнглини жароҳат — ярага, ундан кўнглига тушган хавторини чигинга кўйлешаш билан бирга, фикрларини ойдинроқ ифодалаш учун шоир ҳаётиди:



Алишер НАВОЙ

ХУШТУРУР БОГИ КОИНОТ ГУЛИ!

Неча зарурат аро қолған чоғи,
Чин демас эрсан,
дема ёлғон даги.

**Химматсиз киши
эр сонида эмас,
Руҳсиз баданини
тириг демас.**

Мазлумга бахшошиб кўргузки,
золимдин осойши кўргайсан.

**Сажда гадо оллида
эрмас карам,
Билки, карамдур анга
бермак дираам.**

Розин асра, чунки фош эттинг,
Яна пинҳон бўлурин қимла ҳавас!
Кўнглунг ичра нафас кибидур роз,
Кайтмас кимсадин чу чиқида.

**Тинч кўнгул била ёвғон умоч
яхшироқим, тақаллуғу машҳақ
ката била қандай кулоч.**

Эски чопон била фориг туғроғда
ўтлумоқ яхшироқим, зарбағи тақиғи
тойлини бирор тарғиб.

**Эй Навоий, олам ахлида
тамъасиз йўқ киши,
Ҳар кишида бу сифат йўқтур,
анга бўлғай шараф.**

Ёлғон айтқути гафлатдадур.

Сен агар тарки тамъа қилсанг,
улуг ишшуд буким,
Олам ахли барча бўлгай
бира тараф, сен бир тараф.

**Ҳуаштурур боги коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули!**

Сабра била кўп боблиг иш очилур,
ишида ошиқан кўп тойилур, кўп той-
илған кўп иккисигу.

**Ҳар кимсаки, айламас
ошуқмокни ҳаёл,
Ифроғни илак қимла,
чечак баргини бол.**

Эр кишига зебу зийнат
ҳикмату донишишдурур.
Яхши киймак бирла
хотунларга оройишишдурур.

**Эр кишига хильъат ила
не шараф,
Дурға не нуқсон,
йирик ўлса садаф.**

Айлама ўз райянита
кўп эътиқод,
Мультамад эл райянитин
иста кушод.

**Юз ийлини киши умр тилар,
бил
— Ким сабр керакдур юз ий.**

Бу гулшан ичра йўқдур
бако гулига сабот,
Ажаб саодат эрур
қолса яхшилик била от.

Киши таълимдин топса малолат,
Топар имм ахли олинда хиколат.

деб таъриф берилиши бежиз эмас.

Навоий асарлари миллат маънавиятни бойитишига хизмат қиласи. Шоирнинг ижодини ўрганини нафсафат ала-бейт машҳулотларида, балки ўкувчилар билан ўтказиладиган синфдан ташкири тадбирлар, тарбиявий соатлар, турли бадий кечалар ва учрашувлар орқали сингидриб бориши бутунги кун ўқитувчишининг маъсуллиятли вазифаларидан дар.

Навоий ўз замонасининг қомуси эди, десак муболага бўлмайди. У ўзининг ўлмас асарларида ўша даврнинг энг илғор гояларини ифодалади. Халқнинг орзу-умидларини, интилишларини тарбиятни ўзининг қўрниши чиройли, лекин маънавий пуч одамлар.

Навоий ўз жаҳоннинг таърихида ишларни

иҷтиҳодида ишл

Айтишларича, олма юракнинг таржимони, қалбдаги ширин тилакларнинг изҳори ва айни пайтда тансиҳатликнинг биринчи малҳами экан. Шу боис ҳам бир туп олмаси бор хонадондан барака аримайди. Боғдорчиликнинг ибтидоси кўчат этиштирмоқдан бошланади. Шифокорлар тунги оромдан олдин бир дона олмани майдалаб чайнаб ейишни тавсия этишади. Лоақал олмани ёстиғининг остига қўйиб ётишда ҳам хосият мужассам эмиш. Хулласи калом, олма у пишиқчиликдан бу пишиқчиликкача бозорларимиздан аримайдиган, тановвули ҳеч қачон меъдамизга тегмайдиган табиатнинг бебаҳо инъомидир.

Буюк ипак йўлиниң дунё халқлари тараққиётида тутган ўрни бениҳоя. Чунки савдо-сотик учун мамлакатлардан мамлакатлар томон йўл олган карвонлар айни пайтда элу элатларниң маданияти, турмуш тарзини ҳам бир-бири билан боғлаган, равнақ топишига хизмат қилган. Буни ҳар қадамда, ҳатто боғларимизниң ҳусну тароватида ҳам кўришимиз мумкин. Меваю сабзавот, полиз экинларининг нав-

— Билишимизча, бир пайтлар биргина Бўстонлик туманининг ўзида эрта ва ўртапишар «Тарғил олма», «Шақилдоқ олма», «Кулча олма», «Оқ тарғил», «Новвоти олма», «Усмон олма», «Муслим олма» сингари кўплаб маҳаллий ширин-шакар олма навлари бўлган. Бу қайдларни республикамиз бўйича таҳлил этиб чиқсак, рўйхат янада кенгайиши табиий. Аммо, кейинги даврларда улар бирмунча камайиб боргандек. Мутахассисларнинг чиқишлиарида бу йўқотиш даврнинг долзарб муаммолари қаторига кўтарилди. Айни кунда бу масала ўз ечимини топяптими?

— Тан олиш керакки, собиқ иттифоқ даврида давлат ихтиёридаги хўжаликларда маҳаллий навлар ўрнига узоқ ўлкаларга жўнатишга қулай бўлган қаттиқ, аксарияти нордон, кечпишар олмаларни етиширишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада эса халқ селекционерлари томонидан яратилиб, эрта, ўрта, кечпишар турларига бўлиниб, йил — ўн икки ой дастурхонларимизни тўлдириб турган сархил навлар назардан четда қола борди. Лекин миришкор боғбонларимиз, соҳанинг фидойи мутахассисларининг жонкуярлиги билан кейинги йилларда маҳаллий навларни излаб топиш, кўпайтириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада юздан ортиқ навлар топилиб, улар орасидан сарланганларини кенг миқёсда етишириш устида иш олиб бориляпти. Шуниси эътиборлики, олма номлари аксарият ҳолларда ўсиб турган жойи, баъзида эса ҳовли эгасининг номи билан атаб келинган: «Тўп олма», «Оқтош», «Консой», «Арқит», «Пўсала»... Бугун маҳаллий истикболли навларни кўпайтиришга биринчи навбатдаги вазифа сифатида қаралаётир. Масалан, халқ селекциясининг маҳсули саналган, маҳаллий хўраки навларимиздан «Қизил тарам олма» эртапишар, ширин, хушбўй, кўриниши чиройли мевалар бериши, дараҳтининг совукқа чидамлилиги боис эрта баҳорда ҳам кам зарар кўриши каби жиҳатлари билан ажраблиб туради. Шунинг учун бу навни томорқаларда экиш самарали саналади. Навларни районлаштиришда уларнинг маҳаллий шароитимизга мослашиши, таъми, кўриниши, ҳосилдорлиги, турли касалликларга, сувга чидамлилиги, агротехникаси каби жиҳатлар эътиборга олинади. Айни пайтда меваларнинг галма-галига, яъни эрта, ўрта, кеч пишарлигини таъминлаш, қишда сакланадиган навлар устида ишлаш ҳам асосий масалалардан биридир. Чунки иқлимииз нисбатан иссиқ. Бундай об-ҳавода олмани узоқ муддат сақлаш алоҳида эътибор талаб этали.

— Биолог олимлардан бири «Пайвандтаг — мева дараҳтларининг пойдевори» деган эди. Пайвандтаг ва пайванд ҳакида тушунча берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам мева дарахтининг кучли ёки кучсиз ўсиши, барвақт ёки кеч ҳосилга кириши, узоқ умр кўриши, нокулай иқлим шароитига чидамли ёки чидамсизлиги кўпроқ пайвандтагларга боғлиқдир. Демак, тўлиқ пишиб етилган сифатли уруғлардан бўлиқ ниҳоллар ундирилади ва сифатли кўчатлар етиштирилади. Серилдиз, сифатли мева кўчатлари экилганда улар тезда тутиб кетади ва келгусида пайвандтаг вазифасини bemalol ўтай олади. Бундай кўчатларга қилинган пайвандлардан сифатди ва мўл ҳосил олиш мумкин.

Qarasang, bog' unar

лари ортиб, хуштаъм неъматларнинг яратилишида, жумладан, ана шу сафарларнинг таъсири кўп бўлган. Бир сўз билан айтганда, аждодларимиз она-юртимизни ҳар жиҳатдан бойитмоқ учун имкониятлар топишган. Тўкислик тушунчасини кенг ва атроф-лича талқин эта билишган.

Раъногулдошлар оиласига мансуб меваларнинг, таъбир жоиз бўлса, «шахзодаси» саналгувчи олманинг юзлаб навлари дунёга келиши ҳам заҳматкаш халқимизнинг ана шундай жонкуярлиги маҳсулидир.

Табобатнинг гувоҳлик беришича, бу неъматнинг таркибида 15 фоизгача қанд, органик кислоталар, темир, калий, мис каби микроэлементлар, С, В, В₁, витаминлари, фолий кислотаси мавжуд. Қадим замонлардан буён халқ табобатида олма билан сурункали бод, товуш бўғилиши, ошқозон-ичак йўлла-рининг яллигланиши сингари хасталиклар даволанган. Шунингдек, олманинг бир канча микроблар-

ни ҳайдаши, қон айланиш ҳаракатини бир маромга солиши, мия ҳорғинлиги, паришонхотирликни бартараф этиши, шарбати камқонликда самарали восита экани ҳам илмий жиҳатдан ўз тасдигини топган.

Биз бугун олма, унинг парваришидаги айрим нозик жиҳатлар, мазкур неъматнинг халқимиз томонидан йиллар давомида яратилган маҳаллий навлари хусусида фикр юритмоқчимизки, мутахассисларимиз баён этган назарий ва амалий билимларни сабоклар, тўгарак машғулотлари орқали ўқувчиларга етказиш экологик маданиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоғи мумкин. Айни пайтда бу илмлар ёшларимизнинг табиат билан тиллашиб, ўзларида меҳнат кўникумларини шаклантириши ва фаровон турмуш кечиришнинг яна бир сиридан воқиф бўлишига хизмат қиласди. Шу мақсадда Р.Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институтида бўлиб, мазкур даргоҳнинг етакчи мутахассиси Елена Александровна ШРЕДЕР билан мулоқот уюштирдик.

ган, касалланган, соғлом, меъёрида ри-
вожланаётган шохларга чирмashiб,
унинг ўсишига халақит берувчи шох-
шаббалар кесиб ташланади. Кесилган
жой уч сантиметрдан катта бўлса, ал-
батта, канифоль, асалари муми, бўёқ,
ҳеч бўлмаса, лой суртилиб, сўнгра боғ-
лаб қўйилиши лозим. Бу тадбир дарах-
тни қорасон касаллигидан асрайди.
Кўпчилик бунга эътибор бермайди, ле-
кин дарахт ҳам тирик организм. Худди
бармоғимиз кесилса, авайлаб давосини
излаганимиз каби кесилган шох ҳам на-
заримиздан четда қолса, бутун дарахт-
ни касаллантирмоғи эҳтимолдан холи
эмас. Биз боғлар парваришида меъё-
рий қоидаларга амал қилиб, кўпроқ та-
бийликдан йироқлашмасликка урина-
миз. Лекин айrim хорижий мамлакат-
ларда эса ҳосилдорликнинг юқорилиги
ва маҳсулотнинг кўриниши асосий та-
лаблардан саналади. Шунинг учун ҳам
йилига дарахтлар ўн саккиз-йигирма
мартагача дориланади. Бутун дарахт
эмас, керак бўлса, ҳар бир мева дона-
сининг етилиши, товланиб чирой очи-
ши маҳсус назоратда туради. Аммо бу
уринишлар Ўзбекистон қуёшининг
нури, заминининг қуввати ўрнини ҳеч
қачон босолмайди. «Афросиёби»,
«Гўзал олма», «Нафис», «Саратони»,
«Чўлпон», «Раъно», «Сари гўзал», «Тўё-
на» каби бир-биридан хушхўрлиги,
кўриниши билан қолишмайдиган навла-
римиз борки, уларнинг таърифи етти
иклимга машҳур.

— Илмий адабиётларда бир, беш, ўн ёшдаги олма кўчатларини кўчириб ўтқазиш мақсадга муво-фикалиги қайд этилади. Табиийки бир, икки йиллик кўчатларни кўчириш унинг яхши тутиб кетиши учун қулай фурсатлардир. Лекин катта ёшдаги дарахтларни кўчириш зарурати туғилса, нималарга эътибор каратмок лозим?

— Бунда дараҳт танасидан бир метр қочириб, атрофида 30—40 сантиметр кенгликда түғри түртбурчакли бир метрлик чукур қазилади. Дараҳт кавлаб олингач, майда ва йирик илдизлар қуриб қолмаслиги учун тезда нам жойга күмилади. Бу тадбир эрта баҳорда, яни дараҳт куртак ёзгунга қадар амалга оширилади.

— Сўзингиз бошида олмани
қишда сақлаш масаласига тўхталган
эдингиз.

— Агар олма омборларда сақланадиган бўлса, дастлаб яхшилаб тозаланиб, шамоллатилади ва олтингугурт билан дудлатилади. Хонанинг бир кубометрига 50—60 грамм олтингугурт ишлатилади. Пол, девор ва шифтга беш фоизли темир купороси сепилиб, деворлари оҳак билан оқланади. Албатта, омборга вентиляция ўрнатилиб, бу ерга қуёш нури ва кундузги ёруғлик тушмаслиги керак. Назарда тутиш лозимки, мева ўн уч-йигирма даража иссиқда бир кун туриб қолса, бу унинг сақланиш муддатини ўн-ўн беш кунга қисқартириб юборади. Сақлаш учун энг қулайи 0, +2 даражалик ҳароратдир.

Серқүёш диёримизнинг замини баракали ва саховатга тўла. Ҳар бир оила ўз эҳтиёжига яраша мева-чева етишириб, уни йил бўйи истеъмол қилишнинг имкониятини яратиши мумкин. Бунинг учун озгина ҳафсала, қунт ва ҳаракат бўлса бас. Ахир, боғда ишлаш ақлий ҳорғинликни аритиб, вужудимизга янги қуч-қувват ато этувчи, айни пайтда ризқимизнинг бутунлигини таъмин этувчи омил эмасми? Барчага ана шу жўшқинлик ҳамроҳ бўлишини истайман

TAH-CHAKA-TA-KI-NAH SEK-MEG-MA-JU-KAMM

(Иккинчи) макол

Олма күчати етиштиришда маданий навлардан «Қандил синап», «Қишки олтин олма» меваларидан тайёрланган уруғлардан етиштирилган күчатлар кучли пайвандтаг ҳисобланади. Масалан, «Бобоараб» күчати «Оқ олма», «Ренет Симеренко», «Розмарин» күчатлари учун энг қулай пайвандтаг экани мутахассисларимиз томонидан асосланган.

Кўпийиллик кузатишлар шуни кўрсатадики, олма июнь ойидан сентябргача куртак **пайванд қилинса**, айниқса, июлда бу иш амалга оширилса, яхши самара беради. Куртак пайванд «окулировка» сўзидан олинган бўлиб, грекча «окулис» — кўз демакдир. Хуллас, бир йиллик новданинг барг қўлтиғида жойлашган кўз олиниб, **пайванд қилинади**. Августда **қилинадиган пайванд** эса «Уйқуда ётган куртакни пайвандлаш» деб юритилади. Бунда **пайванд қилинган** кўзлар келаси йили баҳорда ўсади.

Куртак **пай-ванд** қилиш-дан түрт-беш күн олдин пайванд-таглар та-насининг ер юзи-дан 15—20 санти-метр баланд-ликдаги қисми үткир бо-ничоғида ён шочаларидан яхшеззеде.



лининг олдидан ўтаётиб, беихтиёр тўхтаб қолдим. Ҳовли этагида мўъжазгина боғ, ундаги ҳар бир дов-дараҳт меҳр билан парваришиланган. Сархил олмалар гардсиз шарбатга тўлиб, гўёки териб қўйилгандек шохларини эгганча осилиб туради. Ҳонадон соҳибини чакириб, ўзимни таништирдим ва олмачиликдаги бу мўъжизанинг сирлари билан қизиқдим. Аён бўлдики, бу қишлоқ аҳлининг барчаси боғларини ўз вақтида дорилаш, суғориш, парваришлиш ишларига алоҳида эътибор қаратар, бир-биридан буни талаб ҳам этаркан.

— Негаки, — деди суҳбатдошим, — боғлардаги касаллик ҳам «юқумли», ме-никига дард илашдими, ундан неча ча-қирим наридаги ҳамсоямнинг дарахтла-ри ҳам озорланмай қолмайди... Шун-да боеғоршиликниң ҳади-

Дарахтларнинг маълум қисми йил давомида оқлаб қўйилиши ҳам уни кўп заарланишлардан, жумладан, қишки салбий таъсир этувчи қуёш тафтидан, таркибидаги мис купороси заарку-нандалар ҳужумидан асрайди. Унутмаслик керакки, кўпинча касаллик дарахтнинг пастки қисмида бўлади. Шунинг учун қиш кунларида ҳам дарахт атро-фини 25—30 сантиметр чуқурликда чо-пиб қўйиш, суғориш қишки совуқларга чидамлилигини оширади. Дарахт шохларини қирқишда ҳам нозик жиҳат-парни унутмаслик керак. Аввало қури-

**Ойбуви ОЧИЛОВА
сүхбатлашди.**

Ҳар биримизга динозаврлар зоология дарси, илмий кўрсатувлар, мультфильмлар орқали таниш. Шундай бўлса-да, улар билан «учрашиш»ни, 65 миллион йил олдин яшаган бу жонзотлар тўғрисида тўла маълумот олишини хоҳлайсизми? Асрлар оша худудимизда кечган ўзгаришлар, юртимиздаги фойдали қазилмалар, тошга айланган дараҳти томоша қилиш сизга завқ бағишладими? Унда пойтахтимиздаги Геология музейига келинг. Айниқса, болалар билан бу жойга ташриф буюриш фойдадан холи эмас. Чунки улар ўқийдиган эртакларида ҳам, ҳайвонот боғларида ҳам ҳақиқий динозаврларни учратмаган.



Olam ichra olam
экспонатларида жуда кўплаб динозаврларнинг суратлари берилган. Аслида тош қотган ҳайвон ва ўсимликлар, асрлар давомида сақланиб қолган уларнинг скелетларини палеонтология фани ўрганади. Шундай бўлса-да, геология ва палеонтология назарий жиҳатидан бир-бирига жуда яқин. Иккаласида ҳам геологик тарих тадқиқ этилади.

— Музейга келиб, жуда катта таассурот олдим, — деди Нилуфар Раимова.

— Мен учун жуда қизик хисобланган маълумотларга эга бўлдим. Масалан, тошга айланган дараҳт, тошларда асрлар оша ҳайвонот ва ўсимлик дунёси қолдиран излар, метал ва минералларнинг табиий ҳолатлари билан танишдим. Мен учун энг ҳайратланаарлиси,

ДИНОЗАВРЛАР БИЛАН “УЧРАШУВ”

Музейнинг биринчи қисмida Қўёш системаси, Ернинг қатламлари ва шаклланиши, тоф жинслари, геология йўналишидаги фанлар тўғрисида маълумот берилади. Аслида геология Ернинг тузилиши ва таркиби, ҳаракатлари ва ривожланиш тарихи ҳақидаги фан бўлиб, бир неча соҳалар билан чамбарчас боғланган. Музейнинг биринчи залига киришингиз билан Ер ва унинг уст қисми тўғрисидаги стендларга кўзингиз тушади. Ер ости сувлари, уларнинг ҳаракати, вулканларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб берувчи блок диаграмма ва суратлар бор. Бақачаноқлар ҳамда денгиз ости дунёсининг ўзига хос туш ва минераллари ҳам эътибордан четда қолмайди.

Қўёш системаси ва уларнинг ҳаракати тасвиirlangan бурчакда Ернинг ички қатламлари макетда ўз аксини топган. Марказда эса геологиянинг бошқа фан ва соҳалар билан алоқасини кўрсатиб берувчи бурчак мавжуд. Уни бизга геолог Эркинжон Эгамбербиев таништирди. Унда кўйидагилар ўз аксини топган: геологиянинг тоф жинсларини ўрганадиган бўлими — петрография, геологиянинг Ер устки қисми тузилишини ва тектоник ҳаракатлар натижасида унда бўлиб турадиган ўзгаришларни ўрганадиган бўлими — тектоника, минералогия, денгиз геологияси, фойдали қазилмалар геологияси, стратиграфия, литология, геокимё.

Ушбу бурчакда геология доир дастлабки билим ва тушунчаларни берувчи география, геофизика,

кристаллография, каби табиий фанлар билан ҳам танишиб чиқишингиз мумкин. Геологияга амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлган гидро-геология, муҳандислик геологияси каби фанларнинг борлиги унинг нафакат Ер ҳақидаги фан эканлиги, балки бошқа кўплаб соҳалар билан яқин алоқадалигини кўрсатиб берувчи яна бир мезондир. Шунингдек, бу ерда тоф жинслари, минерал рудалар ва уларнинг табиий ҳолатдаги шаклларини томоша қила оласиз. Электр лампаларини ишлаб чиқаришда хомаше сифатида фойдаланиладиган ролоффан рудалари, олтин рудалари ва шунга ўшаш бир қатор қизиқарли экспонатлар билан танишиб чиқиш мумкин.

Маълумки, геологиянинг Зта йўналиши мавжуд. Тавсифий геология — минераллар, тоф жинслари, уларнинг таркиби ва ётиш шаклини ўрганади. Динамик геология геологик жараёнлар ва уларнинг эволюциясини тадқиқ қиласи. Тарихий геология — Ер пўсти ривожланишининг изчилигини ўрганади.

Динамик геология нуқтаи назаридан иккинчи залдаги экспонатлар жуда аҳамиятлидир. Чунки бу ерда Ўзбекистон худудида даврлар майданида кечган ўзгаришлар ва уларнинг макет шакlidagi кўринишлари томоша қилган ҳар бир кишида қизиқиш уйғотиши табиий.

Музейнинг иккичи қисми мактаб ёшидаги ўқувчиларни кўпроқ ўзига тортиши кузатиларкан. Чунки хона ўртасидаги Тошкентдан 45 км. узоқликдан топилган динозавр скелети экспонати ки-

риб келган ҳар бир томошабиннинг эътиборига тушади. Скелет динозавр боласига тегишли бўлиб, унинг оёқ излари ҳам тошга айланган ерда сақланган. Она динозаврнинг изи шу жойдан топилган бўлиб у боласиникига қараганда катта ва ерда анча чукур из қолдиран.

Маълумки, динозаврлар қирилиб кетган ҳайвонот олами вакилларидир. Музейдаги манбаларда келтирилишича, Юра даврида кенг тарқалган охирги динозаврлар бўр даврида (65 млн. йил олдин) қирилиб кетган. Олимлар бу борада ҳалигача илмий тадқиқотлар олиб бораётгани маълум. Хона ичкарисидаги макетлар-



прохлонозавр скелети бўлди. Айниқса, унинг Ўзбекистон худудидан топилганлиги юртимиз тарихига бўлган қизиқишимни кучайтириди.

Тоф жинсидаги тарам-тарам йўлли феруза, марганец, онис, маълум жой ёки даврга оид ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, соғ ҳолдаги олтингугурт, чақмоқтошдаги молибденит кристали, пирит кристали кабилар ҳам музейнинг асосий экспонатларидан хисобланади.

Хуллас, бу жойда геология оламининг инсон ақли ва тафаккури асосида очилган сир-асрорлари кўз олдингизда намоён бўлади. Таширифимиз охирида шунга амин бўлдикки, Геология музейи нафақат фан тўғрисида билим беради, балки вақтнинг шиддаткорлиги ва ундан тўғри фойдаланиш кераклигини ҳам эсга солади.

**Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири.
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.**


да эса динозаврларнинг күшсимон ва калтакесаксимон турлари тасвиirlangan. Танасининг ўзунлиги 20 см.дан 30 м.гача бўлган бу қадим жонзотларнинг Антарктидадан ташқари ҳамма китъаларда, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳам триас-бўр даврларида яшаганилиги олимларнинг изланишлари давомида кенг жамоатчиликка маълум бўлиб бормоқда.

Бундан ташқари, динозаврларнинг стегозаврлар, зауроподлар, аккилозаврлар, шохдор динозаврлар, оркитопод, анкилозаврлар каби турлари билан танишиб чиқасиз. Чунки музей



ЯНА БИТТА КЕМА ГАРОВГА ОЛИНДИ

«Рим» деб номланган юк кемаси сомалилик дengиз қароқчилари томонидан гаровга олинди, деб хабар беради АП. Бу ҳақида Сомали соҳилларида фолият юритаётган Европа Иттифоқининг дengиз ҳарбий миссияси кўмандонлиги маълумот берган.



Аниқланишича, кемага хужум бир неча мамлакатлар томонидан назорат қилинадиган Аден кўрфазидаги транзит ҳудуд ташқарисида уюштирилган. «Рим»да қандай юк олиб кетилаётгани, бортида неча одам борлиги ва улар қайси давлат фуқаролари экани ҳозирча аник эмас. Айни пайтда кема Ливиянинг «Вайт Си Шиппинг» компаниясига тегишли экани маълумолос.

Кема кўлга олинганини океан орти ҳарбий дengиз қўшинларига қарашли «Порттер» кемаси экипажи ҳам тасдиқлади. Айтиш зарур, «Рим» жорий йил бошидан бери қароқчилар қўлига тушган учунчи кемадир.

САМОДА 13 КУН

Аэронаутика ва космик маконни ўрганиш Миллий Ассоциацияси (NASA) «Инdevor» шаттлининг яхшанба куни самога учишини маълум қилди, деб ёзади АП. Самовий кема экипажи 13 кун мобайнида космосда бўлиши режалаштирилмоқда.

Бу гал «Инdevor» бортида Халқаро орбита стансиясига янги хона ва назорат бўлмаси учун зарур йирик ҳажмдаги жиҳозлар олиб борилади.

«Инdevor» миссияси пайтида очиқ космосга уч маротаба чиқишлар амалга оширилиб, космик аппаратлар бир-бири билан туташтирилади. Маълум бўлишича, космик станцияга туташтириладиган янги модуль экипаж аъзоларига кенгроқ иш жойини яратади. Янги модуль гумбаз шаклида бўлиб, унда роботлаштирилган станция, Ер, самовий жисмлар ва йўлдошларни кузатишга мўлжалланган еттига ойна бор.

Шу билан бирга, «Инdevor» дастури доирасида NASA томонидан жорий йил сентябринча яна 5ta парвоз амалга оширилиши режалаштирилган. Бундан сўнг Миллий ассоциациянинг янги космик дастури иш бошлайди.

ЯНГИ МУСИҚИЙ ФОРМАТ

Илк MP3 плеери яратувчиси норвегиялик мутахассис Дагфинн Бах янги рақами мусиқа форматини ишлаб чиқди, деб хабар берди Би-Би-Си Ньюс. Ишлана «Мюзик Ди-Эн-Эй» (MusicDNA) дея номланади. Мазкур лойиха қатор сармоядорлар, хусусан, MP3 мусиқий формати муалифларидан бири бўлган немис тадқиқотчиси Карлхайнц Бранденбург томонидан молијаляштирилди.



«Мюзик Ди-Эн-Эй» форматидаги файл очилганида мусиқа билан бир пайтда кўшиқ матни, видеотасвиirlар, суратлар, шунингдек, ашула блоклари ҳам экранда намойиш этилади. Қолаверса, ушбу катталиқдаги файлга 32 гигабайт ҳажмга тенг кўшимча материалларни жойлаштириш мумкин.

Бранденбургнинг гагларига қараганда, «Мюзик Ди-Эн-Эй» сўнгги йилларда фан-техника соҳаси мутахассислари томонидан илгари сурилған энг илғор foяларни ўзида мужассам этган. Айни кунда янги форматда ишлайдиган веб-саҳифа ёпик тажрибаларда текширилмоқда. Жорий йилнинг

бахорида электрон саҳифа синов мақсадида интернетга уланади. Агар у текширудан муваффакиятли ўтса, одатий тартибда ишлай бошлайди.

ПЛАЩЕБО ТАЪСИРИ СИРИ НИМАДА?

«Нью Сайентист» журналида плацебо таъсири, дея номланган феномен ҳақида мақола чоп этилди. Унда айтилишича, мазкур ҳодиса бевосита инсон организми ва унда кузатиладиган касаллар билан бөглиқдир. Плацебо куйидаги ҳолатда кузатилади. Беморга бир ҳафта давомида уни даволовчи шифокор бирон-бир касаллик, масалан, кўтарилиган қон босимини тушириш учун дори беради. Табиийки, унинг таъсири натижасида қон босими тушади.

Саккизинчи куни эса тиббий мутахассис бўр ва шакар қоришмасидан тайёрланган таблеткани беморга беради. Энг қизиги шунда кузатилади: уни ичган bemorning қон босими худди чинакам дорини қабул қилгандай пасаяди. Таблеткада ҳеч қандай доривор модда бўлмаса-да, унинг шифо бериши ажабланарли. Мана шу ҳолат ҳозирда илмий тилда плацебо таъсири деб юритилмоқда.

Эътиборлиси, мазкур ҳолат шу даражада кўп кузатилади, ҳозирда ҳар бир янги ишлаб чиқарилган дорининг самара-си синчковлик билан текширилади. Чунки унинг шифобаҳш хусусиятлари плацебо таъсири остида эмаслиги исботлаб берилиши даркор. Жараёнда шифокорнинг ўзи ҳам у bemoring нима: дорими ёки башқа нарсани бераётганини билмаслиги керак. Олимларнинг фикрича, плацебонинг кузатилиши кўп маънода bemoring ўзига ҳам боғлиқ. Афтидан, бир ҳаftалик даволанишлардан



VEDOR DUNYO

Xabarlar, voqealar, sharhlar

ЁНГИНГА САБАБ — СИНГАН ШАССИ

Якутск аэропортида «Ан-24» самолётининг шассиси синги боис унинг двигателида ёнгин чиқсан, деб ёзади Лента маёнаси. Якутск-Олекминск йўналишида қатновчи «Ан-24» самолёти бортидаги 49 нафар йўловчиларга зарар етмаган.

— Парвозга шайланган самолёт учиш майдончасида тезликни ошириб бораётган пайтда бирдан чап шасси синиб, двигателда ёнгин бошланди, — деди авиакомпания ходими.

Шундан сўнг қисқа фурсат ичди воеа жойига ёнгин ўчирувчилар ва «Тез тиббий ёрдам» бригадалари ҳамда кутқарув гурухлари етиб келган. Транспорт милицияси ва аэропортнинг хавфсизлик хизмати ходимлари дарҳол йўловчиларни эвакуация қилган. Тезкор тергов ишларини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида фавқулодда вазият содир бўлган ҳудуд ўраб қўйилди. Ҳозирда мутахассислар ўз берган ҳодиса сабабларини аниқлаш билан банд. Якутск аэропортидан амалга ошириладиган маҳаллий ва марказий рейслар ўша куни маълум муддатга тўхтатилган. Сўнгра яна одатий тартибда фаолиятини давом эттирган.



сўнг ўзини яхши хис қила бошлаган бемор ўз организмини «ишонтира олиш» қобилиятини ишга соглан бўлади.

Лекин бу борада ҳали мутахассислар жавоб топиши керак бўлган саволлар бор. Энг асосийси, организмдаги қандай психологияк таъсир механизми туфайли плацебо ҳолати кузатилиши аниқланиши зарур. Тиббиёт соҳасининг етакчи ходимлари агар мазкур масалага ойдинлик киритилса, келгусида акс таъсир кўрсатадиган дорилардан буткул воз кечиш мумкин, деган фикрда.

«ИЛДАМЛАЁТГАН ОДАМ» РЕКОРД ЎРНАТДИ


Лондонда «Кристис» ва «Сотбис» уйлари томонидан ташкил этилган кимошди савдо-си тадбирлари ўtkazildi ва уларда кўпчилик учун кутилмаган ҳодиса rўy берди. Даставал Пабло Пикассо қаламига мансуб «Аёл (Жаклин) боши» сурати «Кристис» ўюштирган импрессионист ва модернистлар кимошди савдосида энг қиммат баҳода — 8,1 миллион фунт (13 миллион доллар)га сотилди. Аслида бу бошлангич нархдан иккичаробар кўп дегани. Бу ҳақида «Дэйли Телеграф» нашри эълон қилди.

Машхур рассом Пикассо «Аёл боши» асарини 1963 йили яратиб, унда ўзининг рафиқасини тасвираган. Маълум бўлишича, сўнгги 30 йил мобайнида сурат шахсий коллекцияда сақланиб келаётганди.

Лекин «Сотбис» кимошди савдосида бундан ҳам қизик ҳолат кузатилди. Аникрофи, у ерда санъат асарларининг нархи борасида янги рекорд ўрнатилди. Чунки швейцариялик ҳайкалтарош Альберто Жакометтининг «Одимлаётганд одам» асари 65 миллион фунт стерлинг (104,3 миллион доллар)га сотилди. Қизиги, Жакометти 1961 йили яратган мазкур бронза ҳайкални ким сотиб олгани ҳозирча номаълум. Санъат асарининг бунчалик юқори баҳоланиши сабабини мутахассислар ўша даврда ижодкорнинг ишлари кам бўлгани билан изоҳлашмоқда. Қолаверса, ҳайкал ҳажман катта ҳамдир: унинг бўйи 183 см.га тенг. Бунинг устига «Илдамлаётганд одам» кимошди савдолари тарихида энг қиммат сотилган буюм сифатидан эътироф этилди. Бундан олдинги рекорд 104,2 миллион долларга сотилган Пабло Пикассонинг «Трубкали бола» асарига тегишли эди, деб ёзади «Уолл Стрит Жорнал» нашри.

БИР ҲУЖАЙРАПИЛАР САФАРИ

Марс йўлдоши Фобосга «Фобос-Грунт» сайёлараро станцияси орқали бактерия, замбуруг, ҳашарот ва микроскопик қисқичбақасимонлар олиб чиқилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақида «РИА Новости» Россия Фанлар академияси қошидаги Тиббий биологик масалалар институти (ТБМИ) мутахассиси Наталья Новикова маълумотларига таянган ҳолда хабар берган.



Ҳозир кунда ТБМИ ва қатор институтлар «Био-Фобос» илмий лойиҳасини амалга ошироқмади. Унга кўра, Фобосга жўнатиладиган тирик организмлар очиқ космос шароитида йўл босиб ўтади. Ўз навбатида бу панспермия — космик орқали ҳаётни кўчириш борасидаги илмий фаразни ҳам текшириш имконини беради.

— Аппарат бортида 60дан ортиқ турдаги биологик обьектлар космосга жўналиши режалаштирилмоқда. Буларга цианобактерия ва замбуруғлар, артемия, дафния каби қисқичбақасимонлар, чивин тухуми, ўсимликлардан эса арпа, турпни киритиш мумкин, — дейди бу борада олима.

Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

2008 йилда Тошкент давлат техника университети томонидан ММФ факультети талабаси Раҳимжанов Элёр Раҳимжановичга берилган 1398-раҳамли рейтинг дафтарчаси йўқолганилиги сабабли

БЕКОР КИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ўрта маҳсус, касбхунар таълими бошқармаси Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежи жамоаси ишлаб чиқарыш ишлари бўйича раҳбар ўринbosari

Зура ЗОИРОВАning вафоти муносабати билан унинг оиласи аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ўттиз беш ёшимда чап оёғимда оғриқ сеза бошладим. Совук күнларда дардим оғриқ кучайгандан кучаярди. «Чап томонлама ишиорадикулит» ташхиси билан Олмалиқ ва Тошкент касалхоналари неврология бўлимларида бир неча марта даволандим. Ўзимни бир неча кун дуруст хис қиласману, оғриқ яна қайталаб қолаверади. 2003 йилга келиб дардим анча оғирлашибди: қон босимим кўтарилиб, безовта қилади, қалқонсимон без анча катталаби қолди, 200—300 метр оғридим дегунча оёқда оғриқ

Dil izhori

14-йилнинг кўп нарса керак эмас. Соғлиғим тикланса, елиб-югуриб, қийналиб бўлса-да, ишлаб ўрсам бас!

2004 йилнинг кўкламида ЎзРФА физика-механика институтидаги Рустам Раҳимов исмли профессор доридармонларсиз, керамик лампалар ёрдамида кўп касалликларни даволаяпти экан, деган гапни эшитдими, Тошкентга жўнадим. Топиб бордим. Рустам Раҳимов шикоятларимни эшитгач,

отам «Раҳимов домла тиббиётни аниқ фанга яқинлаштиряпти. Инфратерапиянинг энг афзал томони, у одам организмида мутлақо асорат қолдирмайди. Кўзга кўринмас бу иссиқ нурларни 11-синфда ўргатар эдик», — деб мамнун бўладилар.

Хуллас, соғлиғим тикланди. Орада турмуш ўртоғим ҳам даволаниб олди. Мана беш йилдирки, бемалол, Олмалиқ шаҳрини пиёда кезиб юрибман. Қон босимим кўтарилиб юрган кезлар эсимдан ҳам чиқиб қетди, қалқонсимон без асл ҳолига қайтиди, бўғимлардаги

(ОҒАЛИК – ЭНГ ЖАТТА БОЙЛИК)

ЁХУД ОҒИР КАСАЛНИКДАН ҚАНДАЙ ФОРИҒ БЎЛГАНИМ ХУСУСИДА

кучаяди. «Наҳотки, соғлиғим тикланмайди», — деган ҳадик тинчлик бермай кўйди. Боз устига Оллох берган икки ўғил, икки қизимнинг тақдиди нима бўлади, деган ўй қийнайди.

Алалоқиб ишга чиқолмайдиган даражага бордим, тиббиёт кўригидан ўтдим, иккичи гуруҳ ногиронлигини бериши. Катта қизимнинг эси кириб қолган. «Ая, энди тузалмайсизми? Ўзингиз шифокорсиз-ку!», — деб ийглади. Дарҳаққиат, олий ўқув юртни битириб, Олмалиқ шаҳар худудий шифохонасида бир неча йил фаолият юритдим. 1992 йилдан бошлаб эса Олмалиқ шаҳар тиббиёт коллежида терапия фани ўқитувчилини тўғрилаш, тўғри овқатланиш, жисмоний машқ билан шуғулланиш кераклигини уқтириди, керамик лампалар билан даволанишини тавсия этди. «Албатта, тузалиб кетасиз», — деб кўшиб кўйди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Институт лабораториясида Р. Раҳимов усули бўйича муолажани бошладик. Профессорнинг барча тавсияларига амал қилдим. Жараёнда керамик лампаларнинг инфракизил нурлари, айниқса, аскотди. Отам Тошпўлат Йўлдошев физик бўлгани учун, керамик нурлагичларнинг таъсирини асосли тушунадилар. Оиласий гурунгларда устоз хақида гаплашиб қолсан,

шогирди, тиббиёт фанлари номзоди Н. Тихоновага электроаккупунктур диагностика ўтказиш зарурлигини айтди. У Фолл аппарати ёрдамида ташхис ўтказди ва менга уни хижжалаб тушунтириди.

Профессор ташхисни кўргач, ичак микрофлорасини тўғрилаш, тўғри овқатланиш, жисмоний машқ билан шуғулланиш кераклигини уқтириди, керамик лампалар билан даволанишини тавсия этди. «Албатта, тузалиб кетасиз», — деб кўшиб кўйди. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Институт лабораториясида Р. Раҳимов усули бўйича муолажани бошладик. Профессорнинг барча тавсияларига амал қилдим. Жараёнда керамик лампаларнинг инфракизил нурлари, айниқса, аскотди. Отам Тошпўлат Йўлдошев физик бўлгани учун, керамик нурлагичларнинг таъсирини асосли тушунадилар. Оиласий гурунгларда устоз хақида гаплашиб қолсан,

шиши ва оғриқдан мутлақо фориг бўлдим.

Ота-онам, оиласиз аъзолари сал тоби қочса, Раҳимов усулида даволанимиз. Даволаниш асносида домланинг барча монографияларини ўргандим. Шахсий кутубхонамни анча бойитдим. Резонаанс-терапияни қунт билан ўрганяпман. Келажакда оиласиз орзумиз бу усулни ривожлантириш ва беморларни шу усул билан даволашдир. Зоро, катта ўғлим ва қизим Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил оляпти.

Сўз адогида фурсатдан фойдаланиб, устозим Рустам Раҳимовни кутлуғ таваллуд айёллари билан самимий муборакбод этаман, тани-сихатлик, яна узоқ йиллар илм йўлида жавлон ўришларини тилайман.

**Зухра МАМАТИСАЕВА,
Олмалиқ шаҳар тиббиёт
коллеки кафедра
мудири**

«СЎЗ ЎЙНИ»

у сизга манзур бўлади

Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Юну́сбод хорижий тиллар академик лицейида таълим самардорлигига алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, араб тили ўқитувчиси Б. Маматохунов ўз машғулотларида янги педагогик технологиялардан доимий равишда фойдаланиб келмоқда. У ўқувчиларнинг ўтилган мавзууни яхши ўзлаштиришлари ва тўлиқ эслада сақлаб қолиша-ри учун интерфа-ол усулларни

қўллаган ҳолда дарсларини турли хил қизиқарли ўйинлар тарзида олиб боради. Бу ўйинлар ўқувчиларнинг ўрганилаётган тилларни тезда ўзлаштиришлари, сўз бойлигининг ортиши, янги сўзларни хотираларида яхши сақлаб қолиша-ри учун хизмат қилмоқда.

Устознинг айтишича, машғулотларида ўқувчиларга энг ёқадиган ўйин бу «Сўз ўйни» экан. Мазкур ўйин ўқувчиларнинг сўз бойликларини янада оширишга хизмат қилади. Унинг шарти жуда ҳам осон ва энг асосийи, ўқувчилардан дикқат талаб қилади. Ўйин қоидасига кўра, биринчи қатнашчи бирор сўз айтади, кейинги иштирокчи аввалти қатнашчиларнинг сўзларини ва албатта, уларга қўшимча ўзининг сўзини ҳам айтади. Ўйин шу тариқа давом этади. Олдин айтлган сўзларни келтирган қат-

нашчи ўйиндан чиқади. Бу ўйин барча ўқувчилар фаол қатнашчилари учун имконият яратади, яъни гуруҳ жамоаларга ажратилмайди ва ҳар ким ўзи учун ҳаракат қиласи. Бу эса фаолликни янада оширади. Мазкур усул ёрдамида ўқувчиларнинг лугат бойлиги билан бир қаторда хотираларининг ҳам чархланишига эришилади. Пировард натижада интерфаол усулларидан фойдаланиш кафолатланган таълимий натижаларга олиб келади.

Албатта, дарс жараёнда са-марадорликка эришиш, машғулотларни юқори савияда ташкил этиш ўқитувчидан юқори тайёргарлик, касбига ҳурмат ва маҳорат талаб этади. Бунинг учун ўқитувчи педагогик фоалиятни севиши, педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши керак. Шу билан бир қаторда ўқувчиларга ҳар томонлама, хусусан, одоб-ахлоқда, юриш-туришда ва энг муҳими, кийинин одобида ҳам намуна бўла олиши зарурдир.

Фикримизча, айнан шундай педагог кўл остида таълим олган ўқувчилар келажакда ўз касбнинг етук мутахассиси бўлиб етишадилар ва албатта, гўзал дигеримизнинг келажагига муносиб таянч бўла оладилар.

**Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
ЎзДЖТУ талабаси**

УЗТОЗЛАРИМДАН КЎП НАРСАНИ ЎРГАНДИМ

Ўқитувчилик касбининг қиёси кўп. Уни қўёшга, боғонга, дарёга ўхшатишади. Бу ўхшатишларда жон бор. Уни кўпроқ маърифат боғининг боғоннига қиёслашибди. Боғоннинг меҳнати бир-икки йилда ҳосил беради. Ўқитувчининг меҳнати самараси эса беш-ўн йилда рёўбга чиқади. Ана шу ҳосилни кўриш, шогирдларининг ҳаётда муносиб ўрин топганинг шоҳиди бўлиш ҳар қандай устоз учун тенгсиз бахт.

Жиззах давлат педагогика институти қошидаги Сайилжой академик лицейининг биринчи тоифали математика ўқитувчиси Бувгилос Абдуқодирова ана шундай заҳматли мөхнатдан ҳикимат топиб келаётган муаллималардан бири. Зомин тумани тогларида жойлашган Толли қишлоғида таваллуд топган муалима ўшлигидан математика фанига мөхр ва ҳавас қўйди. Унинг билимига чанқоғлиги, феъл-авторидаги болажонлиги, самимийлик, камтарлик хислатлари ўқитувчилик касбига жуда мос эди. Шу боисдан у мактабни битиргач, хеч икки

ланмасдан Жиззах давлат педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишига кирди. 1990 йили олий таълим муассасасини тутагтган ёш мутахассис Жиззах шаҳридаги 3-мактабда меҳнат фоилиятини бошлади. 2000 йилдан бўён эса Сайилжой академик лицейидаги меҳнат қилиб келмоқда.

Муаллимлик касби учун маҳорат ва иқтидор зарур. Шу билан бирга унда болаларга нисбатан мөхр-муҳаббат бўлмаса, кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бувгилос ўзининг болажонлиги, меҳрибонлиги билан ўқувчиларга кўпроқ ёқади. Табиатан камга, сермулоҳаза муалима дарс чоғида болалар билан мулойим, ширави овозда сўзлашади. Дарс чоғи хонада ўзгacha бир сокинлик хукмрон бўлади. Бу сокинлик қандайдир босим таъсирида эмас, ўқитувчининг ҳар бир машғулотини, дарсини қизиқиш билан ўзлаштиради.

— Устознинг ҳар бир дарсни ўзгacha бир орзикиш билан кутар эдик, — дейди Тошкент ахборот технологиялари универсiteti аспиранти Баходир Умрзоқов. — Математика фанидан мустаҳкам билим ва кўниқмага эга бўлгани учун мазкур университетга қўйналмасдан кирдим. Устознинг ҳар бир дарсга янги педагогик технология асосида ёндашибди, илғор тажрибаларни амалда моҳирлиг билан ўзлаш

сади. Бу бўшлиқни тўлдириш учун ўқувчиларда дарсга мөхр ва қизиқиш ўйфота олиш керак. Буни амалга ошириш ўқитувчидан маҳорат, изланиш талаб қиласи. Хусусан, математика фанида бунга эришиш учнчалик осон эмас. Буни хис этган муалима ҳар бир мавзуз, масала ва мисолларнинг қизиқарли өчимини янгича тарзда топишга ҳаракат қиласи. Математикадаги машҳур қоиди, йигирмата масалаларни ўзларга ўзларни таълими аълочиши Бувгилос Абдуқодирова академик лицейдаги аниқ фанлар кафедраси мудири.

У доимо изланишлар олиб бориш, янгилик яратиш пайдади. Куонарлиси, айни пайдада «Синусларга доир тенгсизлик», «Тригонометрик тенгсизликларни єчиш» мавзуларидаги услубий қўлланмаларидан касбдошларни ҳам кенг фойдаланмоқда. Устознинг кўплаб дарс ишламалари марказий нашрларда чоп этилган. У академик лицейдаги ўш ўқитувчиларга мунтазам рашидда очиқ дарслар ўтиб беради. Ёш ўқитувчилар билан ишлаш клубига раҳбарлик қиласи.

— Жамоада иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, — дейди ёш физика ўқитувчи Замира Эшонкулова. — Ана шу қисқа вақт даврида Бувгилос оладан ўқувчиларни қандай

ши менга ўхшаган кўплаб ўхшарнинг олий таълим мусассаси талабаси бўлишига мустаҳкам замин яратмоқда. Вилоятларда ҳам мана шундай тажрибали устозлар ўшларга сабоқ берадиганлигидан биз ҳам фахрланмиз. Ўта маҳсус, касб-хунар таълими аълочиши Бувгилос Абдуқодирова академик лицейдаги аниқ фанлар кафедраси мудири.

У доимо изланишлар олиб бориш, янгилик яратиш пайдади. Куонарлиси, айни пайдада «Синусларга доир тенгсизлик», «Тригонометрик тенгсизликларни єчиш» мавзуларидаги услубий қўлланмаларидан касбдошларни ҳам кенг фойдаланмоқда. Устознинг кўплаб дарс ишламалари марказий нашрларда чоп этилган. У академик лицейдаги ўш ўқитувчиларга мунтазам рашидда очиқ дарслар ўтиб беради. Ёш ўқитувчилар билан ишлаш клубига раҳбарлик қиласи.

— Жамоада иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ, — дейди ёш физика ўқитувчи Замира Эшонкулова. — Ана шу қисқа вақт даврида Бувгилос оладан ўқувчиларни қандай



бошқариш, машғулотларни ташкил этиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқни тўлдириш борасида кўп нарса ўргандим. Айниқса, ноанъанавий машғулотлар ўтказиш борасида устоз тажрибаси ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Ёш касбдошларидан Дијлабо Фаниева, Махмуд Камолов ва бошқалар ҳам унинг ҳаёт мактаби, иш тажрибасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Фидойи муалима Б. Абдуқодированинг ўқувчилари фан олимпиадаларининг республика босқичида математикадан фаол иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритишмоқда. Лицейни тутагтган йигитлизлар эса олий ўқув юртлари нинг талабаси бўлишишмоқда. Бунда ўз касбининг чинакам устозига айланган, янгиликка интилувчан, заҳматкаш устозинг хизматлари катта. Абдусаттор Содиков, «Ma'rifat» мухабири

E'tirof



«Universiada – 2010»

ЯХШИ ТАЙЁРГАРЛИК – ЯХШИ НАТИЖА

Жорий йил юртимиздаги кўплаб спорт ишқибозларининг нигоҳи Андикон шаҳрида ташкил этиладиган «Универсиада–2010» спорт мусобақаларига қаратилади. Таъкидлаш жоизки, «кичик олимпиада» туркумига кирувчи ушбу спорт беллашувларининг нуфузи йил сайн ошиб бормоқда.

— Мусобақанинг асосий мақсади ёшларимизни маънавий ва жисмоний тарбиялаш, улар ўртасида спорт турлари оммавийлигини таъминлаш ҳамда юқори малакали спортчилар тайёrlаш каби эзгу ниятлардан иборат, — деди Самарқанд вилоят «Талаба» спорт уюшмаси ижрои директори Ольга Ерешенка. — Умуман, талабаларни жисмоний тарбия ва спорт машгулотларига доимий жалб килиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб килиш мақсадида «Универсиада–2010» спорт мусобақаларининг 1-боскичи доирасида 2009 йилнинг сентябрь — декабрь ойларида 15та спорт тури бўйича факультетларро мусобақалар уюштирилди.

Декабрь ойида 2-боскич — олий таълим муассасалари ўртасидаги баҳслар ҳам юқори савида таш-

киллаштирилди. Унда белгиланган турлар бўйича вилоят терма жамоасига номзодлар саралаб олиниб, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Жорий йил Андикон шаҳрида ўтказиладиган универсиада мусобақаларида иштирок этиш учун шаҳардаги олий ўкув юртлари талабалари орасидан Руслан Носиров, Жамшид Тиллаев, Дмитрий Абрашкин, Акмал Эшкуватов, Фазлилдин Бобокулов (енгил атлетика), Борис Харитонов, Лола Азимова, Ольга Толибова, Рустам Каримов (теннис), Жамшид Акобиров, Парвиз Вохидов, Дираббо Кошимова, Наргиза Назарова (шахмат), Ўткир Кўлдушев, Зафар Бердикулов, Элёр Барракаев, Акмал Шарипов (белобогли кураш), Бектош Сапаров, Инъом Тұхтаев, Элибой Иброхимов, Дониёр Салимов (кураш), Акмал Ҳаки-

мов, Мамнуна Раҳмонова, Ситора Примова (стол тениси) ва бошқалар саралаб олинди.

Бу борада вилоят маданият спорт ишлари бошқармаси қошида штаб ташкил қилинган бўлиб, тайёргарлик билан боғлик барча ташкилий масалалар таҳлил қилиб борилмоқда. Mashg'ulotlar ўtkazilayotgan joylarda sport inventarlarining to'liq bo'lishi, sportchilarning maxsus kiyim-bosh bilan ta'minlanishi doimiy e'tiborda.

Айниқса, уларнинг соғлиги, жисмоний руҳий холатлари шифокорлар назорати остига олинган.

— Айтиш мумкинки, ўтган галги баҳсларда вилоятимизнинг ёш спортчилари умумжамоа хисобида учинчи ўринни кўлга киритиб, «Дамас» автомобили билан тақдирланганди, — деди Самарқанд жисмоний тарбия ва жисмоний маданият факультети декан ўринбосари Бахтиёр Хайдаров. — Кўл тўпи (қизлар ўртасида), енгил атлетика (йигит ва кизлар ўртасида), кураш ҳамда белобогли кураш (йигитлар ўртасида) ва спортнинг бошқа турлари бўйича жами 82та медаль жамғарилди. Шулардан 9та кумуш медаль кўл тўпи бўйича, 10та бронза медаль енгил атлетика бўйича, 18та кумуш медаль кураш бўйича ва 8та кумуш медаль белобогли кураш бўйича кўлга киритилди. Жорий йилда ҳам соворини ўринларни забт этиш режалаштирилган. Бу мақсадни амалга ошириш учун мураббийлар, талаба-спортчилар тинимиз мөхнат қилимади.

Ҳаким ЖЎРАЕВ.
Самарқанд вилояти

Sport darvozasi

КОМИСАРЕК ҲАМ САФДАН ЧИҚДИ

Миллий хоккей лигасининг «Торонто Мейпл Лифс» ва АҚШ терма жамоаси химоячиси Майк Комисарек 2009/10 мавсумнинг охирига қадар сафдан чиқди, деб маълумот тарқатди «Рейтерс». Жароҳати туфайли бир йўла Ванкуверга бориш имкониятидан ҳам мосуво бўлган хоккейчи АҚШнинг ишонган ўйинчиси эди.

Ундан бирор олдинроқ эса «Нью-Жерси Дэвилс» клуби вакили Пол Мартининг ҳам сафдан чиққани ҳақида хабар берилганди. Шундай қилиб, энди америкаликлар иккى нафар етакчи Олимпиадага боришга мажбур. Комисарек 2 январь куни музга йиқилиши оқибатида елкасидан жароҳат олганди. Лекин малакали шифокорлар кўмагида зудлик билан қилинган даволаш ишлари ҳам самара бермаган кўринади. Жамоа мураббийи иккى етакчи ўрнига муносиб номзодлар излашга киришган. Тим Глисон («Каролина Харрикейнс»), Рон Хэнсис («Атланта Трэшерс»), Райан Уитни («Анахайм Дакс») ва Алекс Голигоски («Питтсбург Пингвинс») — мана шу хоккейчилардан иккى нафари асосий таркибга танлаб олиниди.

СПОРТЧИ ВАНКУВЕРДА, ЖОМАДОНИ ЭСА...

Олимпиада ўйинларида беш маротаба зафар кучган норвегиялик биатлончи Уле Эйнар Бьорндален қишики Олимпиада ўтказиладиган Ванкувер шаҳрига етиб келганда, милтиги йўклигини билиб қолди ва мутасадидиларга маълум қилди, деб хабар тарқатди Норвегия нашри «VG».

Тезкор кидирив натижасида маълум бўлди, Бьорндаленning юклари ортилган жомадон хатолик туфайли Голландиянинг Амстердам шаҳрига юборилган. Бундай янглишишлар аэропортларда тез-тез қайд этиб турилади. Эслатиб ўтмиз, Норвегия термасининг асосий биатлончиларидан бири 1998 йили Наганода битта ва 2002 йили Солт-Лейк-Ситида тўртта олтин медаль соҳиби бўлганди.



Хурматли ва қадрли
Фания Жавдатовна!

Сизни муборак 50 ёшиниз билан чин дилдан са-
мимий кутлаймиз. Ўттиз
йилдан зиёд умрингизни
ўсиб келаётган ёш авлод
тарбиясига багишиладин-
гиз. Бугунги кунга келиб
сиздан мажмуанинг етук
тахрибали мураббийси сифа-
тида таълим-тарбия сирларини
ўрганмоқдамиз. Баркамол авлодни тарби-
ялашдаги шарафли ва масъулиятли ме-
ннатингизда битмас-туганмас куч-куват,
ғайрат ва шиҷоат, узоқ ва сермазмун умр
ҳамда пўлатдек мустаҳкам соғлик тилай-
миз. Кўп йиллар давомида фарзандларин-
гиз ва шогирдларингиз камолини кўриб
юриш баҳти насиб этсин.

Сергели туманидаги 318-сонли
ихтисослашган мактаб-богча
мажмуаси жамоаси

ОРЗУ ВА УМИДЛАР ПИЛЛАПОЯСИДА

Ёш бўлишига қарамас-
дан юқори марраларни
забт этишини кўнглига
туғиб кўйган ёш ва
умидли спортчи
Ҳамюртларимиздан
бири Салоҳиддин Му-
ҳиддиновдир. У 12
ёшидан бери бокс би-
лан мунтазам шуғулла-
ниб келади. Эндиғина 15
ёшини қаршилаган Сало-
ҳиддин юртимизда ўтказил-
ган бир қанча мусобақа ва турнирларда иш-
тирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган.



— Ёшлигимдан бокс, каратэ, дзюдо каби жанговар спорт турларига қизиқишим юқори эди. Бир куни телевизор орқали бокс мусобақасини кўрганман, баҳс жуда қизғири ва муросасиз кечганди. Бундан ташқари, ҳар иккала боксчи ҳам ўз техникини ва жанг олиб бориш санъати билан мени мафтун қилиб кўйганди. Шундан сўнг бокс билан

лантириш жамғармасининг 7 йиллигига багишиланган кикбоксинг бўйича «Олимпия умидлари» ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия спорт жамиятининг бокс бўйича мусобақаларида 70 кг. вазнда 1-ўринни эгаллади.

— Синфдаги ўқувчилар орасида Салоҳиддин ўзининг тиришқоклиги, фанларни ўзлаштириши, одоби билан ажралиб турди. Мактабдаги фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга қўшичча машгулотларга ҳам қатнаиди. Якинда Салоҳиддин мактабимизда волейбол бўйича синфларро мусобақада ҳам фоал иштирок этиб, ўз маҳоратини на-
моён этди. Синфимизнинг биринчи ўринни эгаллашида унинг хизмати катта, — деди синф раҳбари Нигора Отабеева.

Хозирда Учтепа туманин-
даги 287-мактабда ўқиётган
Салоҳиддин Мухиддиновдан

келгусидаги режалари ва орзулари ҳақида сўрагани-
мизда, у шундай деди:

— Март ойларида халқаро мусобақада иштирок этиш учун тайёргарлик кўярпман. Бунда мураббийим Жасур Алибоев менга катта ёрдам беряпти. Орзуларим ҳақида гапирадиган бўлсан, келажақда катта спортич бўлиш ниятидан, ўзбек бокс мактаби равнанига ўз хиссами кўшишини хоҳлайман. Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Элшод Расулов каби боксчилар сафида бўлиш — энг катта орзум.

Ҳа, инсон борки, орзу қилади, умид билан яшайди, ўз олдига аниқ мақсад кўйиб, унга интилади. Биз ана шундай орзу ва умидлар пиллапоясида турган ёш спортчимизга мақсадлари рўёбини тилаб қоламиз.

Шахина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!

Самарқанд вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси «Академик пицей ва касб-хунар коллежларининг истиқболли раҳбар кадрлар захира мактаби»га танлов асосида тингловчилар қабул қиласди.

Танловда қатнашиш учун куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варажаси);
- 4x6 см. ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
- номзод фаолиятига тавсиянома;
- диплом нусхаси;
- таржима ҳол;
- маълумотнома (объективка);
- паспорт (нусхаси);

- меҳнат дафтарчаси;
- илмий даражаси ва унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги хужжатларнинг нусхаси;
- илмий-услубий ишлар ва ихтиrolар рўйхати (мавжуд бўлса);
- раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган рејаси (концепция);

Хужжатлар газетада эълон чоп этилгач, 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Танлов бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 12-йи. Телефон: (8-3662) 233-56-47, факс: (8-3662) 233-52-86.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги 548-сонли мактабгача таълим муассасасида Халқ таълими вазирлиги томонидан «Мактабгача ёшдаги болаларда Олимпия таълими орқали соғлом турмуш тарзига қизиқиши шакллантириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Семинарни ўтказишдан асосий мақсад — юртимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиши, ёш ва мурғак қалбларда спортсеварлик туйғусини шакллантириш ҳамда улар билан турли қизиқарли спорт мусобакаларини ўтказишдан иборат.

Семинар-тренингда сўзга чиқсанлар боғча ёшидаги болаларда спортга бўлган

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

қизиқиши оширишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар. Шундан сўнг тадбирнинг асосий қисми бошланди. Унда пойтахтимиздаги бир нечта боғча методистлари ва спорт мутахассислари мактабгача ёшдаги болаларда спортга бўлган муносабатни шакллантириш ва чинакам соғлом авлодни вояга етказиши бўйича ўз фикр ва мулҳазаларини билдиришди.

— Мен Яккасарой туманидаги 100-мактабгача таълим муассасасида спорт мутахассиси сифатида фаолият олиб бораман. «Баркамол авлод йили» муносабати билан ўтказилаётган ушбу семинар-тренингнинг соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда етук спортчи фарзандларни тарбиялашда аҳамияти мухим, — деди биз билан суҳбатда Жўра Садиров.

Кизғин ва мазмунли

ўтган тадбирнинг бадиий қисмида Тошкент шахридаги 10ta MTM тарбияланувчилари ўз байрамона чиқишлирида Олимпия рамзи хисобланган беш қитъага тегишли гўзал рақсларни намойиш этди. Шундан сўнг боғчалараро қишки Олимпия ўйинларига «старт» берилди. Унда гилдиракли конькида учиш, биатлон, скейтда учиш каби шартларда болажонлар ўз эпчилликларини намойиш этиб, йигилганлар олқишига сазовор бўлди.

Мусобақа сўнгидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан барча катнашчиларга турли эсдалик совғалар топширилди.

Шахина ЖЎРАЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**
O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasabasi uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir vazifasini vaqtincha bajaruvchi:
Bahodir JOVLIYEV

Tahrir hay'ati: Rustam AHLIDINOV, Jumanazar BEKNAZAROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinnbosari), Abdusamat RAHIMOV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinnbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-122.
Tiraji 46517.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosingan, qog'oz bichimi A-3.
Navbatchi muharrir: Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Zohidjon XOLOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatiga yuborilgan materiallar mulligiga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, shumuniy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmlari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayat va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aktionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqt — 21.00.
Topshirildi — 21.00
Ўза якуни — 21.00